Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

6-йил чиқиши.
16 ИЮЛЬ 1971 й.
ЖУМА
№ 165 (1540).
БАҲОСИ 2 ТИЙИН.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

15 июлда Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг учинчи пленуми бўлиб ўтди.

Пленум саккизинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Совети биринчи сессияси масалаларини қараб чиқди.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислари тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ



Тошкент, 1971 йил, 15 июль. Ўзбекистон ССР Олий Советининг сессияси мажлислар залида.
И. Глауберзон фотоси.

15 июлда Тошкентда саккизинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессияси ўз ишини бошлади.

Эрталаб соат 11 да Олий Советнинг биринчи мажлиси бошланди. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Ш. Р. Рашидов,** Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари **И. Г. Анисимкин, А. Д. Бесчастнов, Й. Р. Қурбонов, В. Г. Ломоносов, Н. М. Матчонов, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, Н. Ж. Худойбердиев, Н. Маҳмудов** ҳукумат ложаларига чиқиб ўтирадилар.

Депутат **Ч. Алматов**нинг таклифига мувофиқ сессияни республика Олий Советининг энг кекса депутати **А. Абдураҳмонов** очади.

Депутат **В. Г. Ломоносов** сўз олади. Оқсоқоллар кенгашининг топширувига биноан у депутат **С. Ҳ. Сирожиддинов**ни (58-Энергетика сайлов округи) Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси қилиб сайлашни таклиф этади. Бу таклиф бир овоздан қабул қилинади.

Депутат **С. Ҳ Сирожиддинов** раислик ўрнини эгаллаб, депутатларга билдирган ишончлари учун ташаккур изҳор қилди. Шундан кейин оқсоқоллар кенгаши номидан сўзга чиққан депутат **Р. Отақўзиев** (Уйғун)нинг таклифига биноан депутат **П. Ф. Глазатов** (71-Қизил Октябрь сайлов округи). депутат **С. Есимов** (347-Фориш сайлов округи), депутат **З Исроилова** (89-Назарбек сайлов округи), депутат **Г. Раметова** (432-Калинин сайлов округи) бир овоздан Олий Совет Раисининг ўринбосарлари қилиб сайланди.

Олий Советн еттинчи чақириқ Республика Олий Советининг собиқ депутати, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари М. З Мирзааҳмедов хотирасини, бир минут сукут сақлаб хурматлаб эсга олди.

Сессиянинг қуйидаги кун тартиби бир овоздан тасдиқланди:

1. Ўзбекистон ССР Олий Совети мандат комиссиясини сайлаш.
2. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонларини тасдиқлаш.
3. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумини сайлаш.
4. Ўзбекистон ССР Олий Совети доимий комиссияларини сайлаш.
5. Ўзбекистон ССР ҳукуматини — Министрлар Советини тузиш.
6. КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошириш юзасидан республика меҳнаткашлар депутатлари Советларининг вазифалари тўғрисида.
7. Меҳнаткашлар депутатлари район ва шаҳар Советлари, шаҳардаги район Советлари тўғрисида Ўзбекистон ССР Қонунларининг лойиҳалари ҳақида.
8. 1970 йилги Ўзбекистон ССР Давлат бюджетининг ижроси тўғрисида.

Депутат **С. Хамроқулов**нинг таклифига мувофиқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг мандат комиссияси 17 депутатдан иборат составда бир овоздан сайланади. Комиссиянинг раиси — депутат **Т. Р. Каримова** (120-Бўтакора сайлов округи), раис ўринбосари — депутат **Г. М. Орлов** (173-Учқудуқ сайлов округи). комиссия секретари — депутат **И. К. Ҳусниддинов** (219-Ленин сайлов округидан).

Қисқа танаффусдан кейин сессия республика Олий Совети депутатларининг ваколатлари текшириб чиқилганлиги тўғрисида мандат комиссиясининг раиси депутат **Т. Р. Каримова**нинг докладини тинглади.

Бир овоздан қуйидаги қарор қабул қилинади: «Ўзбекистон ССР Конституциясининг 33-моддасига биноан, Мандат комиссиясининг тақдимига мувофиқ, барча сайлов округидан сайланган Ўзбекистон ССР Олий Совети 452 депутатининг ваколати тўғри деб топилсин».

Кун тартибидаги иккинчи масала — Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонларини тасдиқлаш тўғрисида депутат **Р. Сахибоев** доклад қилди.

Олий Совет ўз муҳокамасига тақдим этилган Фармонларни бир овоздан тасдиқлади ҳамда тегишли Қонунлар ва қарорлар қабул қилди.

Кун тартибидаги учинчи масалани муҳокама қилишга — Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумини сайлашга ўтилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Ш. Р. Рашидов** Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг топширувига биноан, депутат **Н. М. Матчонов**ни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси қилиб сайлашни таклиф этади. Оқсоқоллар кенгаши қўллаб-қувватлаган бу таклиф бир овоздан қабул қилинади.

Депутат Н. М. Матчонов юксак ишонч учун депутатларга самимий миннатдорчилик билдиради. Олий Совет депутат Н. М. Матчоновнинг оқсоқоллар кенгаши топширувига биноан киритган таклифи билан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосарларини. Олий Совет Президиуми Секретари ва Президиум аъзоларини бир овоздан сайлади.

Олий Совет ўзининг доимий комиссияларини сайлашга киришди.

Раислик қилувчи Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси депутат Н. Ж. Худойбердиевнинг Ўзбекистон ССР Конституциясига мувофиқ ва республика ҳукуматини тузиш масаласи сессия муҳокамасига қўйилганлиги муносабати билан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ўз вазифаларини бажариб бўлди, деб ҳисоблаганлиги ва Ўзбекистон ССР Олий Совети олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилганлиги тўғрисидаги аризасини ўқиб беради.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари депутат **Ш. Р. Рашидов** Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг оқсоқоллар кенгаши маъқуллаган топширувига биноан, депутат **Н. Ж. Худойбердиев**ни яна Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси қилиб тайинлашни таклиф этади.

Олий Совет Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Олий Совет олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилганлиги тўғрисидаги аризани маълумот учун қабул қилади, республика ҳукуматининг фаолиятини маъқуллайди ва депутат **Н. Ж. Худойбердиев**ни Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси қилиб тайинлайди. Олий Совет депутат Н. Ж. Худойбердиевга Ўзбекистон ССР ҳукуматининг состави тўғрисидаги таклифни тақдим этишни топширади.

Шу билан саккизинчи чақириқ Олий Советининг биринчи мажлиси тугайди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Советининг сессияси соат 14 дан 30 минут ўтганда ўз ишини давом эттирди.

Иккинчи мажлис бошланишида Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси депутат Н. Ж. Худойбердиев нутқ сўзлади. У юксак ишончлари учун депутатларга миннатдорчилик билдириб, ўзига берилган топшириққа биноан республика ҳукуматининг составини Олий Совет тасдиғига тақдим этди.

Олий Совет ҳукумат состави — Ўзбекистон ССР Министрлар Советини бир овоздан тасдиқлади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси депутат **Н. М. Матчонов** КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошириш соҳасида республика меҳнаткашлар депутатлари Советларининг вазифалари тўғрисида доклад қилди.

Танаффусдан сўнг мажлис Олий Совет Раисининг ўринбосари депутат **З. Исроилова** раислигида давом этди.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг сессияси ўз ишини давом эттирмоқда.

«Тошкент оқшоми», «Вечерний Ташкент» газеталари ва шаҳар халқ контроли комитети ГУМ қурилишида

Бўлажак Бош универсал магазин ҳақида маълумот сўраб, редакцияга кўплаб хатлар келмоқда. Қуйида газетхонлар илтимосига жавоб берамиз.

ЎРТА ОСИЁДА ЯГОНА

Қурувчиларнинг қўли-қўлига тегмайди. Ҳисобот даври тугамоқда. Иккинчи квартал ва биринчи ярим йил яхши кўрсаткичлар билан тамомланди. Бунинг учун ҳамма имкониятлар бор: яхши ҳаво, иш суръати, беш йиллик планларини муддатидан олдин бажариш учун социалистик мусобақанинг кенг қулоч ёзиши.

Охунбобоев номли майдонда Бош универсал магазинини қураётган кишилар бугунги кунда энг қийин вазифаларни ҳал этишмоқда: улар йил охиригача ниҳоят мураккаб вз ноёб бинони қуриб тугатишлари лозим. Бундай иморатлар шу вақтга қадар на Ўрта Осиё республикаларида ва на бошқа республикаларда қурилмаганлигини таъкидлашнинг ўзи кифоя. Тўрсимон колонналар, мураккаб конструкторлик муаммолари ҳал бўлиши лозим. «Қишки ҳовли» деб аталмиш бир-бирига алмаштириб қўйилган конструкция Тошкентда биринчи марта амалга оширилмоқда. Ҳар бирининг узунлиги 30 метр, баландлиги 2 метр ва оғирлиги 100 тоннага етадиган ичи ғовак, монолит тўсинларнинг икки устунга ўрнатилиши худди ҳавода муаллақ тургандек кўрсатади. Бундай тўсинлар ҳам қурилиш практикасида биринчи марта қўлланмоқда. Старший прораб Виктор Олейников, ўз ишини яхши билган бригада бошлиқлари В. Спиренко, И. Мардонов, юксак малакали ишчилар Ю. Кулаков, В. Пронина. Ю. Ким. К. Калимулин ва бошқаларнинг ҳам хизмати катталиги мана шунда.

Лойиҳачилар (лойиҳа бош инженери И. Бозин, бош конструктор В. Горячев, бош архитектор А. Фрейнтаг) бинони қуришда жуда мураккаб масалаларни ҳал этишди. Саноат маҳсулотларини қоплаш учун 12х1,5 метр ҳажмдаги ковурғали плиталар ишлатилди. Тўққиз балли ер силкинишларини ҳисобга олиб, кўпгина янги мураккаб монолит конструкция ҳал этилди. Бўлажак магазин биноси муътадил иқлимлаштирилади. Бу эса Ўрта Осиё шароитида жуда муҳим масала ҳисобланади. Мосламаларга ўрнатилган автоматика маълум даражада ҳаво яратиш имконини бериб, бошқа масалаларни ҳам ҳал этишда кўмаклашади.

Томни ёпиш ҳам қурилишда ўзгача ҳал этилган. Тўғрироғи, том—кафе барпо этилади. 20 метр баландликда шинамгина кафе жойлашади. Шунингдек, сув пуркаш ҳавзалари, яшил оролчалар барпо этилади. Бу ерга келган кишилар кўз олдида янгидан қурилаётган Университет кўчаси билан Навоий проспекти ва янги-янги уй-жой кварталлари намоён бўлади.

Технология процессида ҳам кўпгина янгиликлар қўлланилади. Савдо ўзига-ўзи хизмат қилиш воситаси билан амалга оширилади. Моллар харидор кўзига яқин жойларга қўйилади. Савдо-сотиқ кўргазмаси намойиш этилади. Бу ердаги консультантлар харидорга қандай нарсани сотиб олиш, молларни қандай танлаш тўғрисида маслаҳатлар беришади. Агар бу ердаги мавжуд моллар дидингизга ёқмаса, сиз кўргазмага қўйилган намуналардан буюртма беришингиз мумкин. Ҳозир савдонинг бу формаси мамлакатимиз пойтахтидаги йирик магазинларда амалга оширилмоқда. Шунингдек, Тошкент Бош универмаги ҳам мамлакатимиздаги бешта энг йирик магазинларнинг бири бўлиб қолади. Харидорларга хизмат қилишда намуна кўрсатиб, савдонинг энг илғор усуллари қўлланилади.

Бир вақтнинг ўзида Бош универсал магазинда ўн мингдан ортиқ харидор харид қилиши мумкин. Агар уларнинг ҳар бири камида ярим соат савдо қилиши ҳисобга олинса, бир сменада бу савдо даргоҳи 200 минг кишига яқин харидорларни қабул қилади.

ТОНГГИ газеталарда

◆ **Ўзбекистон ССР Олий Советининг «Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумини сайлаш тўғрисида», «Ўзбекистон ССР ҳукумати — Ўзбекистон ССР Министрлар Советини тузиш тўғрисида», «Ўзбекистон ССР Олий Совети Доимий комиссияларини тузиш тўғрисида»ги қарорлари эълон қилинган.**

◆ «КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошириш соҳасида республика меҳнаткашлар депутатлари советларининг вазифалари тўғрисида» сарлавҳаси остида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. М. Матчонов ва Ўзбекистон ССР Олий Совети Мандат комиссиясининг раиси Т. Р. Каримованинг докладлари босилган.

◆ **КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин бошчилигидаги Совет партия-ҳукумат делегацияси кеча Москвага қайтиб келди. Делегация Монголия Халқ Революцион партияси Марказий Комитети билан Монголия Халқ Республикаси ҳукуматининг таклифига биноан Монголия Халқ революциясининг 50 йиллигига бағишланган тантаналарда қатнашди.**

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ СПОРТБАЙРАМИ

МОСКВАДА СССР ХАЛҚЛАРИНИНГ V СПАРТАКИАДАСИ ТАНТАНАЛИ ВАЗИЯТДА ОЧИЛАДИ.



СПАРТАКИАДА! Бу сўзни ҳозир мамлакатимизнинг турли бурчакларида эшитиш мумкин. Ҳар куни эрталаб биз Москванинг спорт базаларида бўлиб ўтаётган мусобақаларнинг натижалари ҳақидаги радио хабарларини диққат билан эшитамиз. Бунинг ажабланарли ери йўқ. Спартакиада орбитасига 45 миллион киши жалб этилган. Бу демак, анъанавий ва энг оммавий мусобақада мамлакатимизнинг ҳар беш аҳолисидан бири шахсан иштирок этмоқда.

Ҳозир мамлакатимизда 209599 физкультура коллективи —совет спорт ҳаракатининг асосий звенолари ташкил этилган. Спартакиаданинг финал учрашувларига қадар ҳам жуда кўп рекордлар ўрнатилди. Улардан фақат иккитасини эслатиб ўтмоқчимиз: биринчи босқич мусобақаларида 3560 йигит ва қиз биринчи марта спорт мастери деган фахрий унвонга сазовор бўлди. Ватанимизнинг 186 ва республикаларнинг 1384 рекорди янгиланди.

Аммо, Спартакиаданинг асосий ютуғи—у мусобақаларда қатнашган ҳар бир кишига саломатлик ва хушчақчақлик, мустаҳкам спорт кўникмаси ва ўз кучига ишонч руҳини бахш этди.

V Спартакиаданинг барча босқичлари жисмоний тарбия ва спорт совет кишиларини коммунистик руҳда тарбиялашда нақадар катта роль ўйнашини, Коммунистик партия ва Совет ҳукумати халқимиз саломатлиги йўлида нақадар ғамхўрлик кўрсатаётганини яна бир карра исботлади.

СССР халқларининг Спартакиадаси — рекордларгина эмас. Энг катта спорт анжумани—кўпмиллатли Ватанимиз халқларининг қардошларча дўстлигининг ҳақиқий фестивали ҳамдир. Шунинг учун ҳам финал мусобақаларига тайёргарлик вақтида иттифоқдош республикаларнинг спорт ташкилотлари бир бири билан мустаҳкам ҳамкорлик қилганликлари ҳеч кимни ҳайратга солмайди. Улар бир-бирлари учун энг яхши спорт базаларини бериб қўйишди, тренерлар ўз тажрибалари билан алмашдилар, ҳамкорликда машғулотлар ўтказилди, спортнинг айрим турларини ривожлантиришда ёрдам қилдилар. Мисол учун, ўзбекистонлик эшкакчилар Белоруссия спортчилари билан биргаликда машқ қилишди, гимнастикачиларимиз Арманистонда меҳмон бўлишди, велосипед пойгачиларимиз Таллин йўлкаларида ўз маҳоратларини оширдилар, самбочиларимиз Москва армиячилари билан биргаликда машқ қилишди.

Бугун Москвада олимпиада арафасидаги жаҳондаги энг катта спорт анжуман тантанали равишда очилади. Москва вақти билан соат 18 дан 30 минут ўтганда миллионлаб квартираларда зангори экранлар шуъла сочади ва телевизор камералари бизни мамлакатимизнинг бош спорт аренаси — Лужникига олиб ўтади. Спартакиаданинг асосий байрами шу ерда бўлади. Улкан спорт аренаси жуда кўп ёрқин ва ажойиб томошаларнинг гувоҳи бўлган. аммо бугунги томоша ўзгача бўлади. Футбол майдонида саф тортадиган колонналар ҳам одатдагидан ташқари кўринади. Спортчиларнинг сафи римча беш рақамини тасвирлайди. Стадионнинг шимолий трибунаси тепасида Номаълум солдат қабридан келтирилган машъала ёндирилади. Биз мамлакатимиз етакчи спортчиларининг чиқишларини томоша қиламиз Байрам футбол учрашуви билан якунланади. Ўтган йилги СССР чемпиони—Марказий армия спорт клуби командаси бу йилги мусобақа пешқадами Киев динамочилари билан учрашади.

(Давоми 3-бетда).

Қирқ мамлакат билан

Республика Марказий илмий қишлоқ хўжалик кутубхонаси бой китоб фондига эга. Бу ерда Ўзбекистонда чиқарилган илмий асарлардан ташқари, Совет Иттифоқининг турли шаҳарларида ва чет элларда чоп қилинган актуал мавзулардаги китоблар бор.

Кутубхона ҳозирги пайтда қирқ бир чет мамлакат билан алоқа боғлаган. Ўтган йили чет эллардаги илмий муассасалардан бир юз қирқ тўртта китоб олиниб, уларга ўзбекистонлик олимларнинг бир юз ўттиз тўққиз асари жўнатилди. Чет элдан олинган китоблар орасида Африка мамлакатларидаги тажриба станцияларининг илмий кузатишлари, Белград университети тўпламлари, АҚШнинг Аризона, Луизиана ва Калифорния штатларидаги тажриба станцияларининг бюллетенлари, Англиядан Д. Ж. Готтлейбнинг «Замонавий биологиянинг баъзи масалалари» номли асарлари бор.

— Чет эллардаги илмий тадқиқот институтлари, тажриба станциялари, университетлар билан алоқамиз тобора яхшиланмоқда, — дейди кутубхона директори ўринбосари Э. Отажонов,— Бу нарса олимларимиз ўртасидаги илмий ҳамкорликни мустаҳкамлашга, қишлоқ хўжалигининг муҳим проблемаларини биргаликда ҳал қилишга ёрдам беради.

* ПАРТИЯ КОНТРОЛИ АМАЛДА

ТАЪСИРЧАНЛИКНИ ОШИРАЙЛИК

КПСС XXIV съезди қарорлари ва Директиваларидан келиб чиқадиган катта ва мураккаб халқ хўжалик вазифаларини амалга оширишда бошланғич партия ташкилотларининг роли бениҳоя каттадир. Партия ташкилотларининг ишлаб чиқариш фаолиятига таъсири кўп жиҳатдан маъмурият фаолиятини контрол қилиш ҳуқуқини амалга ошириш бўйича комиссиянинг ишига боғлиқ. Бу комиссиялар КПСС Марказий Комитетининг 1959 йил қарорига мувофиқ партия ҳисобот сайлов йиғилишларида ташкил этилади. Ҳозирги пайтда ана шундай комиссиялар шаҳардаги қарийб ҳамма бошланғич партия ташкилотларида иш олиб боряпти.

Бу комиссиялар асосан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини, буюртмалар ва кооперация йўли билан етказиб бериладиган маҳсулотларнинг тайёрланиш плани бажарилиш муддатини, муҳим, махсус ва экспорт буюртмалари бажарилишини, янги техниканинг ишлаб чиқаришга жорий этиш планларининг адо этилиши, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаштириш ва автоматлаштириш планларининг бажарилиши устидан контроллик қилади.

Комиссиянинг миқдори ва номи ҳамда унда ишлаётган коммунистлар миқдори у ёки бу корхонанинг конкрет шароитларидан келиб чиқиб аниқланади.

Ана шундай комиссияларнинг ташкил этилиши муносабати билан партия контроли яна ҳам кўп нарсани қамраб оладиган бўлиб қолди. Уларнинг бевосита ёрдами ва актив иштироки туфайли шаҳар корхоналарида муҳим техника иқтисодий тадбирлар амалга оширилдики, бу тадбирлар ишлаб чиқариш планларининг бажарилиши ва ошириб адо этилиши, янги техника ва илғор технологияни жорий этиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилаш, ишлаб чиқариш резервларидан фойдаланишни кучайтириш, тежамкорлик режимини кучайтириш сингари масалаларга қаратилгандир.

Шаҳримиздаги кўпгина саноат корхоналарининг коммунистлари кейинги йиллар ичида муҳим халқ хўжалик вазифаларини бажаришда бой тажриба орттирдилар.

Корхоналарнинг планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янгича системасига ўтиб ишлаётганлиги комиссиялар иши учун кенг имкониятлар яратди. Хўжалик ислоҳоти амалда хўжаликка раҳбарликнинг иқтисодий методлари ролини оширишни корхоналарнинг хўжалик ҳисобидаги ягона давлат планлаштирувини амалга оширишни, ишлаб чиқариш коллективларининг ролини ошириш принципларини кучайтиришни кўзда тутади.

Янгича ишлаб чиқариш шароитида ишлаб чиқарилган маҳсулотни реализация қилиш муҳим омиллардан ҳисобланади. Планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янгича системасига ўтилган дастлабки пайтларда реализация масаласи энг мураккаб, айрим ташкилотларда эса проблематик масала бўлиб қолган эди. Ана шунинг учун ҳам айрим партия ташкилотлари реализация қилинадиган маҳсулотни контрол қиладиган, маҳсулот сифатини ва ишлаб чиқаришга янги техника ва илғор технологияни жорий этишни контрол қиладиган комиссиялар ташкил этдилар.

В. И. Ленин номидаги электрон-техника заводи партия комитети ҳузурида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини контрол қиладиган, янги техникани жорий этишни, халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқариш планининг бажарилишини контрол қиладиган комиссиялар ташкил этилди. Ҳар бир комиссия етти кишидан тузилди. Бунга ишчилар, хизматчилар, инженер-техник ходимлар киради. 21 коммунистнинг 15 нафари инженер-техник ходимлар, тўрт ишчи, икки хизматчи бор эди. Бундан уч йил муқаддам партия комитети ҳузурида учта комиссия ишлаган эди. Бу комиссиялар тайёр маҳсулотларни реализация қилиш планининг бажарилишини, янги техникани жорий этиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини контрол қилиш комиссиялари эди.

Одатга кўра, завод партия комитетининг маъмурият фаолиятини контрол қилиш бўйича комиссияси ярим йиллик иш планга эга бўлади. Комиссиялар корхонадаги ишнинг аҳволи ҳақидаги аҳборотларни умумзавод диспетчерлик кенгашларидан оладилар. Унда комиссия раислари, цех партия ташкилотларининг секретарларидан тортиб цех бошлиқларигача, айрим коммунистлар иштирок этишади.

«Ташкенткабель» заводи партия ташкилотида маъмурият фаолиятини контрол қилувчи тўртта партия комиссияси ташкил этилган бўлиб, у комиссиялар ишлаб чиқарилган маҳсулот сифати бўйича, капитал қурилиш ишларининг бориши бўйича тежамкорлик ва иқтисод бўйича, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш бўйичадир. Уларнинг составида 20 КПСС аъзоси бор.

Комиссиялар состави асосан ишлаб чиқаришни чуқур биладиган мутахассислардан, илғор ишчилар, ташаббускор ва талабчан коммунистлардан тузилган. Уларнинг иши завод партия комитетининг доимий назорати остида бўлади. Завод партия комитети томонидан комиссия аъзолари билан семинар ўтказилиб, унда уларнинг ҳуқуқ ва вазифалари, шунингдек, амалга ошириладиган ишларнинг форма ва методлари тушунтирилди. Иш плани бир квартал учун тузилиб, у партия комитети йиғилишида тасдиқланади.

Шу йили ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг айрим турлари сифатини оширишга қаратилган масалалар ўрганилди ва кўриб чиқилди. Шунингдек, экспорт маҳсулотларини тайёрлаш технологиясининг ҳолати ўрганилди, капитал қурилиш бўлимининг иши ўрганилди ҳамда умумлаштирилди ёрдамчи ишлаб чиқариш корпуси қурилишининг бориши текширилди. 1970 йилда қурилиши ниҳоясига етказилмаган қозонхона қурилишининг сабаблари аниқланди ва ўрганилди. Партия комитетининг янги техникани жорий этиш масалалари бўйича қарори қандай бажарилаётганлиги текширилди, партия комитетининг юк ортиш ва тушириш ҳамда ёрдамчи ишларни механизациялаш бўйича белгилаган тадбирларининг бажарилиши, асосий хом ашё ва материалларни сақлаш ва улардан фойдаланиш қандай аҳволда эканлиги текширилди.

Бундан ташқари комиссиялар завод партия комитети мажлисларида кўриб чиқиладиган масалаларни тайёрлашда ҳам актив қатнашмоқда.

Ҳозир «Ташкенткабель» заводида телефон кабелларини тайёрлайдиган тўққизта автоматик поток линиялар жорий этилди, янги технологик жиҳозлардан 80 таси ўрнатилди ва фойдаланишга топширилди. 80 та жиҳоз модернизация қилинди. Шу туфайли меҳнат унумдорлиги 7,1 процентга ошди. Корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг бешдан бир қисми энг яхши жаҳон намуналари даражасида деб, қайд қилинди ва тайёрланаётган маҳсулотларнинг 75 процентдан ортиғи жаҳон стандартлари даражасида деб, тан олинди.

Хўжалик ислоҳоти шароитларида комиссияларнинг янги ишлаб чиқариш қувватларини ўзлаштириш юзасидан контроллик қилиши, меҳнатни илмий асосда ташкил этишни жорий этиш ва ишлаб чиқариш эстетикаси устидан контролликни ўрнатиш катта аҳамият касб этди.

Келтирилган мисоллар шу нарсадан далолат берадики, партия ташкилотлари оперативлик кўрсатиб, ишлаб чиқаришнинг энг муҳим томонларини контрол қиладиган комиссияларни ташкил этдилар.

«Ташкенткабель», электрон-техника заводи партия ташкилотларининг ва бошқа корхоналарнинг ишидан шу нарса кўриниб турибдики, комиссиялар фаолиятининг янги-янги формалари туғиляпти. Ишлаб чиқаришнинг йирик комплекс масалалари муҳокама қилинаётган комиссиялар ҳамкорликда ишлаган пайтда, комиссиялар ўз коллективи доирасидан чиқиб, бошқа коллективларнинг комиссиялари билан ҳамкорлик ўрнатганларида комиссиялар фаолиятининг янги-янги формалари туғилар экан.

Қурилиш ташкилотларининг партия ташиклотларида кўпчилик ҳолларда қурилиш ишлари таннархини камайтириш ва сифатини яхшилаш, ишлаб чиқариш резервларини қидириб топиш ва меҳнат унумдорлигини ошириш, тежамкорлик ва иқтисод ҳамда бошқа масалаларни контрол қиладиган комиссиялар сайланган.

Масалан, пардозлаш трестининг партия комитети ҳузурида тўртта комиссия ташкил этилган. Бу комиссиялар ишлаб чиқариш резервларини қидириб топиш ва меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича, тежамкорлик ва иқтисод бўйича, техника хавфсизлиги бўйича, пардозлаш ишларининг сифати бўйича комиссиялардир. Бундан ташқари ҳар бир қурилиш бошқармасида худди шунга ўхшаш учтадан комиссиялар ташкил этилган. Улар партия комитети мажлислари ва партия йиғилишлари учун масалалар тайёрлашда актив иштирок этадилар.

Комиссияларнинг аъзолари партия комитетининг мажлислари ва партия йиғилишларига таклиф этиладилар, улар масалаларни муҳокама қилишда актив иштирок этиб, ўзларининг фикр ва мулоҳазаларини билдирадилар. Кейинги пайтда партия комитети томонидан технологик комплектацияни бошқариш иши тўғрисидаги масала тайёрланди. Ана шу масалани тайёрлашда иқтисод ва тежамкорлик ва моддий техника таъминоти ва сифатни контрол қиладиган комиссиялар актив иштирок этдилар. Ҳозирги пайтда, уларга партия комитети қарорларининг бажарилишини текшириш таклиф этилди. Текширув натижалари партия комитети мажлисида муҳокама қилинади.

Комиссиялар ишга тушириладиган объектлардаги аҳволни ҳам ўрганиб чиқдилар. Шундан кейин трестнинг партия йиғилиши ўтказилди. Бунда бош пудратчи ташкилотларнинг вакиллари қатнашди. Комиссия юқорида кўрсатилган партия йиғилиши қарорининг бажарилишини текширишда ҳам қатнашди. Унинг натижалари ҳақида эса бош пудратчи трестларга мактуб ёзилди.

Сифат, тежамкорлик ва иқтисод бўйича комиссияларнинг ташаббуси бўйича қурилиш материаллари комбинатининг ишини яхшилашга қаратилган, шунингдек ойналарни марказлашган усулда қирқишга қаратилган таклифлар ёғочни қайта ишлаш заводи ихтиёрига ҳавола қилинди. Партия комитети томонидан трест бош инженери ва техника советига ана шу масалаларни ўрганиб чиқиш топширилди.

Комиссиялар томонидан аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича трест маъмурияти томонидан қабул қилинган чора-тадбирлар 1970 йил планини муваффақиятли адо этишга, 1971 йил биринчи квартал топшириғини 104,9 процент бажаришга кўп жиҳатдан ёрдам берди. Учта қурилиш бошқармаси беш ой мобайнида ўз ишларида рентабелликка эришдилар. Уларнинг олган фойдаси 68 минг сўмни ташкил этди. Қурилган барча объектларнинг 80,6 проценти «яхши» ва «аъло» баҳолар билан топширилди.

Худди шунга ўхшаш комиссиялар бошқа қурилиш ва монтаж ташкилотларида ҳам мавжуддир. Улар қурилиш-монтаж ишлари плани бажарилиши масалаларини, объектларни ўз вақтида топшириш, қурилиш-монтаж ишлари сифати, ишчиларнинг маиший турмуши, техника хавфсизлиги ва бошқа масалалар устидан доимий контроллик қилиб туради.

Бошланғич партия ташкилотларининг контроли кўпгина кенг масалаларни қамраб олади. Унинг форма ва методлари ҳам турли-тумандир. Унинг энг кенг тарқалган ва синалган формаси у ёки бу масалани шахсий суҳбатлар асосида ўрганиш, ҳужжатларни ўрганиб чиқиш, жойлардаги аҳвол билан танишиш ва ана шу материалларни партия комитети учун справкаларда умумлаштиришдир.

Партия комитетида, бюро ёки партия мажлисларида тайёрланган материаллар муҳокама қилинади. Бу ерда коммунистлар докладларни, хўжалик раҳбарларининг ҳисоботларини эшитадилар, уларга камчиликларни кўрсатадилар, корхона ёки ишлаб чиқариш участкасининг ишини яхшилаш тадбирларини белгилайдилар. Улар ўз таклиф ва эътирозларини билдириш билан бир қаторда қарорларнинг бажарилишида актив иштирок этадилар. Баъзи ҳолларда контрол бўйича комиссияларнинг сигналлари иш услубида ҳал қилинади, лекин уларга партия баҳоси берилади ҳамда комиссиялар ишининг натижалари коммунистларга етказилади.

Партия ташкилотлари томонидан амалга оширилаётган контролнинг асосий белгиси унинг оммавийлигида, барча коммунистларнинг актив қатнашувида, партиясиз омманинг тажриба ва билимларидан фойдаланишидадир. Ана шу шароитда партия контроли камчиликларни очиб ташлашнинг муҳим формасига, оммани тарбиялаш ва улар ишини ташкил этишни яхшилашга, ҳар бир коллективнинг активлигини ва мустақиллигини оширишнинг муҳим формасига айланади.

Бу нарсалар, айниқса ҳозирги пайтда, КПСС XXIV съезди томонидан белгилаб берилган муҳим сиёсий ва халқ хўжалик тадбирлари ҳаётга тадбиқ этилаётган пайтда, айниқса муҳимдир.

Тажрибалар шуни кўрсатадики, комиссияларнинг ишда эришадиган ютуқлари маълум даражада уларга раҳбарлик қиладиган партия комитети ва партия бюроларининг раҳбарлигига, уларнинг таклифлари қай даражада хўжалик раҳбарлари томонидан қўллаб-қувватланишига боғлиқдир.

А. БУГАЕВ,
шаҳар партия комитети ташкилий бўлимининг инструктори.

** Каникул кўнгилли ўтмоқда*

Мактаб оромгоҳи

Кўм-кўк боғ. Майин шаббода эсиб турибди. Кун жуда иссиқ бўлса-да, бу боғ салқин ва хушҳаво. Четдан қарасангиз, мактаб лагери худди яшил оролга ўхшаб кўринади. Боғ этагида эса шовиллаб анҳор оқмоқда.

Лагерь болалари бош пионерважатий Моҳира Ортиқова раҳбарлигида скамейкалар қўйилган майдончага йиғилишиб савол-жавоб (КВН) ўтказишмоқда. 1 ва 2-отрядлар ўртасида бўлаётган бу суҳбат ғоят қизиқарли ва мароқли олиб боришляпти.

Октябрь районидаги 40-ўрта мактаб боғида ташкил этилган шаҳар пионерлар лагерида ҳар кун, ҳар соат ана шундай кўнгилли ўтмоқда. Лагерда болаларнинг яхши дам олиши, ўйнаб-кулиши ва сифатли овқатланиши учун ҳамма шароитлар яратилган.

Бу ерда алоҳида кутубхона ташкил этилган. Болалар ҳар куни кинофильм ва концерт томоша қилишади. Айниқса, лагерда болаларнинг соғлиғига катта эътибор берилмоқда. Эрталабки гимнастика, бассейнда чўмилиш, турли спорт мусобақалари бахтиёрларни жисмоний чиниқтирмоқда. Лагерда волейбол, теннис, шахмат-шашка, рақс, расм, бичиш-тикиш каби бир неча тўгараклар мунтазам ва намунали ишламоқда.

Мактаб пионер лагерига тажрибали педагог Риҳсибой Худойберганов раҳбарлик қилмоқда. У бундай деди:

— Лагеримизнинг биринчи сменасида 120 бола кўнгилли ҳордиқ чиқарди. Ҳозир бешта отрядда ҳам шунча бола дам оляпти. Болалар каникулининг сермазмун ўтишида тарбиячи педагоглардан Ҳамида Расулова, Лутфи Ваҳобова, Иқбол Муҳамедова, Жанна Карасаева, бош пионервожатий Моҳира Ортиқовалар тинмай меҳрибонлик қилишмоқда.

Ўқувчилар олтин ёз фаслини мактаб боғи қучоғида ғоят кўнгилли ўтказишаётганидан ота-оналар беҳад хурсанд бўлишмоқда.

Т. ТЎРАҚУЛОВ.

СУРАТДА: бош пионервожатий Моҳира Ортиқова болаларга эртак ўқиб бермоқда

Автор фотоси.

ЎзТАГ МУХБИРЛАРИ ХАБАР БЕРАДИЛАР

Москваликлар ташаббусига қўшилиб

БУХОРО. Область саноат корхоналарининг меҳнатчилари москваликларнинг ем-хашак тайёрлашда чорвадорларга кўмаклашиш соҳасидаги ташаббусини қизғин қўллаб-қувватладилар. Ҳозирнинг ўзидаёқ шаҳарликлардан ўн беш мингга яқин киши пичан ўримида қатнашди.

Бухоро, Коғон, Навоий ва бошқа шаҳар ҳамда район марказларининг комсомоллари ем-хашак тайёрловчи бригадалар тузишди. Ёшлар бўш вақтларида шу бригадаларда меҳнат қиладилар. Масалан, «Гигант» совхозида ташаббускорларнинг учта бригадаси ишламоқда. Бу бригадаларда 120 дан ортиқ киши бор.

Бу йил Бухоро областининг қишлоқ меҳнатчилари 421 минг тонна дағал хашак тайёрлашлари, чорак миллион тонна силос бостиришлари керак. Бу муҳим ишга шаҳарликлар ҳам катта ҳисса қўшадилар.

Янги телефон станциялари

Тўрткўл марказида район алоқа узелининг янги икки қаватли биноси қад кўтарди. Бу бинода минг номерли автомат телефон станцияси, почта ҳамда Нукус ва Тошкент телевидение студияларининг кўрсатувларини қабул қилиб олувчи ретрансляция пункти жойлаштирилди.

Шу беш йиллик охирига бориб Тўрткўл районида Автоном республикадаги энг ривожланган телефон тармоғи вужудга келтирилади. Ҳамма колхозлардаги ярим автомат телефон станциялар бу районда кучли автомат телефон станциялари билан алмаштирилади. Районнинг бир қанча хўжаликларида ана шундай станциялар монтаж қилиб бўлинди.

Колхозлараро коммунал хизмат комбинати

ОЛТИАРИҚ (Фарғона области). Фарғона областида қишлоқ аҳолисига колхозлараро коммунал хизмат кўрсатувчи биринчи комбинат Олтиариқ районида ташкил этилди. Олти колхоз пай тўлаш йўли билан бу комбинатни тузди.

Хўжалик ҳисобидаги ана шу ташкилотнинг вазифаси пахтакорларнинг уй-жойларини, қишлоқлардаги маданий-маиший муассасаларни қишлоқ йўлларини, газ ва водопровод хўжалигини ремонт қилишдан иборат. Комбинат зарур миқдордаги мутахассислар билан таъминланди, комбинатнинг моддий-техника базаси вужудга келтирилмоқда. Бу ташкилотнинг ходимлари йил охиригача қишлоқ меҳнаткашларига икки юз йигирма минг сўмлик ҳар хил хизмат кўрсатишни мўлжаллаб қўйдилар.

Енгил саноат объектларида

Катта қурилиш ташвишлари

ТЕЗ СУРЪАТЛАР БИЛАН

Чилонзорнинг 19-кварталида озиқ-овқат корхоналари комплексини қуриш тез суръатлар билан давом этмоқда. Келгуси йилда корхона суткасига 65 тонна булка-кондитер маҳсулотлари ва 60 тонна ҳар хил макарон ишлаб чиқаради. Бу ердан Ўзбекистон пойтахтининг савдо тармоқларига 400 минг кишига мўлжалланган гўшт ва сут маҳсулотлари ҳам юборилади.

Қурилиш авжида. Бу объект территориясига бирин-кетин ҳар хил қурилиш материаллари ва мосламалари олиб келаётган автомобиллар оқимидан ҳам кўзга ташланиб туради. Гоҳ у ер, гоҳ бу ерда пайвандчилар аппаратининг нури барқ уради. Одамлар бетон қуйиб, газ қувурлари ётқизишмоқда, арматураларни мустаҳкамлаб, сувоқ ва бўёқ ишларини амалга оширишмоқда.

Шуниси қувончлики, комплексни қуришда қурилиш-монтаж, ремонт-механика корхоналарининг кўпгина ходимлари хизмат қилишмоқда. «Узглавхлеб» ташкилотидан ҳам битта бригада шу ерда банд. Бригадани бошқариш меҳнат ветерани, кондитер маҳсулотлари қуриш цехининг устаси Н. И. Елистратовга топширилган.

Бу ерда ўз вазифасини тушунмаган ишчиларни топиш қийин. Бу ҳақда партия ташкилоти катта ғамхўрлик қилган. Шунга қарамай, қурилиш майдонларида камчиликлар, кўпгина ишларни ҳисобга олмаслик ҳам учраб туради. Бу эса ўз навбатида ишга халақит бериб, кўпгина давлат маблағи ва қимматбаҳо қурилиш материалларини ортиқча сарфлашга олиб келади. Мисолларга мурожаат қилайлик.

ПАРДОЗЧИЛАР ЭЪТИРОЗИ

Николай Яковлевич Синев ва Борис Николаевич Токунов ўртоқлар билан биз бўлажак комплекснинг янгидан қурилаётган биносига келдик. Шерикларимнинг иккаласи ҳам бригадани бошқаради.

— Бу ерда макарон фабрикасининг маъмурияти ва баъзи цехлар жойлашади,— дея тушунтирди Николай Яковлевич.— Сўнг чуқур нафас олиб, гапини давом эттирди.— Ишлар ниҳоясига етказилган эди. Қаранг, қанчалик сифатли сувоқ қилганмиз,— деворлардаги панелларни кўрсатди.

Бригада бошлиғи ишда ташаббус кўрсатган пардозловчилар номини тилга олади. Улар У. Исмоилов, Э. Тинчаров, М. Тунчанов сингари ўз ишини яхши билган мутахассислардир.

— Мана, ўзингиз кўриб турибсиз-ку,— дейди Синев.— Бригадирнинг қалбида қандайдир ғашлик ва нохушлик сезиларди.

Ўзи нима гап? Нега пардозловчилар билан бўёқчилар хуноб? Маълум бўлишича, улар объектда ўз ишларини тугатиб, яхшиларни тақдирлашган, янги вазифаларни кутишган. Бошқа қурилиш ташкилотининг ишчилари бу ерга келиб, вентиляцион трубалар ўтказа бошлашган. Шундай катта трубалар хоналар ва коридорлардан ўтказилиб, бўлажак фабрика цехларига олиб борилади. Эндигина бу ерда электр, телефон, баъзи жойларда газ қувурларини ўтказишга қўл уришибди. Кўпгина жойларда сувоқчилар томонидан яхши бажарилган деворлар катта қилиб тешилди, ҳамма иш чиппакка чиқди.

Бундай қувур ва ўтказгичлар керакми? Албатта зарур. Наҳотки, буни олдинроқ ўтказиш иложи бўлмаса? Материал йўқ эди, дейишади. У ҳолда сувоқчилар билан бўёқчиларни бошқа участкаларга ўтказиш лозим эди.

Қувур ва электр симлари планда мўлжалланган экан, бунинг учун илгари маълум даражада жой қолдириш лозим эди. Шунда, мўлжалланган қувурларни ўша жойдан ўтказиш мумкин бўлар эди. Аммо бундай қилинмади. Фақат ҳозиргина шундай гильзаларни ишлашга ўтилди.

— Биз кўп ишни қайтадан қиляпмиз,— гапга аралашди Токунов.— Бу жуда қимматга тушади.

— Бу ишни қайтадан ишлаш учун қанча вақт ва қанча ишчи керак? — сўрадик биз.

— Камида 20 ишчи бир ой ишлаши лозим,— дея жавоб берди мутахассис.

Бригада бошлиғи бунга қанча қурилиш материали, қанча бўёқ, алибастер, цемент кераклигини айтгани йўқ. Ҳолбуки, олдиндан барча ишлар кўзда тутилганида, бундай қайта қуришларнинг бўлмаслиги ҳам мумкин эди.

Фақатгина бўёқчи ва сувоқчилар эмас, электр пайвандчи Игорь Вяльчев ҳам ўз фикрини айтди.

— Биз аллақачон совутиш установкалари аппаратурасини ўрнатишимиз лозим эди. Аммо бунинг учун ажратилган хонада эшик ўрнатилмаган. Шундай қимматли аппаратурани ташлаб кетиш ярамайди-ку, ахир.

МАСЪУЛИЯТНИ ҲИС ЭТИШ ЛОЗИМ

14-қурилиш бошқармасининг участка бошлиғи, инженер Ботир Аҳмедов шу фикрни айтди:

— Ишимизга Тошкент область монтаж бошқармаси, Тошкент қурилиш монтаж ва созлаш бошқармаси сингари ташкилотлар халақит бермоқда. Улардан бирига В. Откаленко раҳбарлик қилади.— Инженер қурилаётган корхона директори Адҳам Азимович Рустамовдан ҳам гина қилади. Унинг фикрича, буюртмачининг талабчан бўлмаслиги туфайли қурилиш майдонларига материаллар ўз вақтида келтирилмаяпти.

— Ана кўряпсизми? Биз қозонхона қуряпмиз, аммо қозон йўқ. Ҳанузгача иккита бакни олганимиз йўқ. Бизга керакли кабеллар ҳам келтирилмади, ҳатто ёритиш учун ҳам сим тортилмаган. Кўпчилик ҳолларда бекор туришга тўғри келади. Бу эса, объектни муддатида топширишга ҳалақит беради.

Қурилишни ўз вақтида фойдаланишга топшириш учун барча имконият ва куч-қувватни сафарбар этиш пайти келмадимикин?

Ф. ФОЗИЛОВ.

• Сизга қандай хизмат кўрсатишяпти?

БИР КУНДА ЎН БЕШ МИНГ ХЎРАНДА

Ҳа, бундан таажжубланмасангиз ҳам бўлади. Чунки шаҳримиздаги Октябрь ошхоналар трестига қарашли 14-ошхонада бир кунда ўн беш мингдан ортиқ хўранда овқатланади. Ҳамшаҳарламиз ихтиёрида ана шу ошхонанинг қўли гул икки юз саксон саккиз хизматчиси парвона бўлади.

Бу ошхона ўзининг бир неча филиалларига эга бўлиб, улар Навоий кўчасида, Оҳунбобоев майдонида ва Ғафур Ғулом кинотеатри қаршисига жойлашгандир. Бундан ташқари ошхона ходимлари 23, 28, ва 139-мактабларнинг пионер ва ўқувчилари учун ҳар доим иссиқ таомлар ташкил қилишади. Мактаблар қошида очилган ошхона бўлимлари мунтазам равишда ўқувчилар ихтиёрида. Ҳозир бу мактаблардаги пионер лагерларида уч юз олтмиш ўқувчи мириқиб дам олмоқда. Уларнинг овқатланишларини кўнгилдагидек ташкил қилишда Риҳсивой Йўлдошев бошчилигидаги ошхона хизматчилари ҳар доим парвона.

Ошхона коллективи ойлик планларини доимо ортиғи билан бажаради. Планларни ортиғи билан бажаришда Сандаҳмад Усмонов, Обид Каримов ва Ёқуб Иброҳимовларнинг ҳиссаси бениҳоя катта. Ошхонада ҳамшаҳарларимиз учун бир кунда ўн беш мингдан ортиқ ёпган нонлар етказиб беришадики, бундан хўрандалар ҳамиша мамнун.

Аҳил коллектив ўзининг самарали меҳнати билан трестнинг Кўчма Қизил байроғини ҳамиша қўлда сақлаб келяпти. Ошхона ходимларидан баъзилари аъло хизматлари учун пул мукофотлари билан тақдирланди.

Университет кўчасида ҳадемай юз ўринга эга бўлган яна бир ошхона ишга туширилади. Бу 14-ошхонанинг филиали бўлиб, у ўзининг кўркамлиги ва соя-салқинга қурилаётганлиги билан бошқаларидан ажралиб туради.

—КПСС XXIV съезди Директиваларида,— дейди биз билан суҳбатда ошхона мудири Убай ака Иноятов, — «Умумий овқатланишни ривожлантиришдаги асосий вазифа сифатни оширишдан, хизмат кўрсатиш маданиятини кўтаришдан иборатдир» дейилади. — Биз ана шунга амал қилиб, овқатларнинг сифатини оширмоқдамиз, аҳолига маданий хизмат кўрсатишни юқори савияда ташкил қилмоқдамиз.

Р. НУРИЛЛАЕВ.



Сиз суратда кўриб турган бу ошпазларнинг тайёрлаган овқатлари ҳамиша мазали бўлади. Мансур Каримов (чапда) ва Камол Одиловлар хўрандалар учун навбатдаги овқатни тайёрлашяпти.

М. Нуриддинов фотоси.

Буюк боболаримиз

АБУ УБАЙД ЖУЗЖОНИЙ

Ўрта Осиё, Афғонистон ва бошқа Ўрта ҳамда Яқин Шарқ мамлакатларида истиқомат қилувчи халқлар учун умумий ва муштарак ифтихор ҳисобланадиган, жаҳон маданияти тараққиётига сезиларли ҳисса қўшган Абу Наср ал-Форобий, Абу Райҳон ал-Беруний, Абу Али ибн Сино, Умар Хайём, Улуғбек, Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Камолиддин Беҳзод, Мирзо Абдулқодир Бедил сингари қатор улуғ мутафаккирлар, буюк донишмандлар, забардаст санъаткорлар ўтмишда улкан Шарқ тупроғида яшаб, сермахсул ижод қилиб, ўзларидан сўнгги авлодларга беғоят қимматбаҳо маданий, адабий, илмий мерос қолдириб кетганлар.

Ушандай донишмандлардан бири, Ибн Синонинг сафдоши ва шогирди Абу Убайд Абдулвоҳид ибн Муҳаммад Жузжонийдир.

Жузжонийнинг ҳаёти ва ижоди тўғрисида шарқшунослар жуда кам ва пароканда маълумотларга эга. Ҳатто унинг туғилган йили ҳақида ҳам аниқ бир маълумот йўқ. Ҳозирча фақат бизга шуниси маълумки Абу Убайд Жузжоний буюк энциклопедик олим Абу Али ибн Синонинг (980—1037) замондоши, унинг сафдоши ва шогирди бўлган.

Абу Убайд Жузжоний ҳозирги Афғонистоннинг шимол томонида жойлашган улкан ва сермахсул Жузжон вилоятида туғилиб, ўша ўлкада ўсиб улғаяди, бошланғич маълумотини ҳам ўз вилоятида олади.

У вояга етгач мустақил ҳаёт кечира бошлайди, илм-фанга бўлган жуда зўр иштиёқи туфайли ўз вилоятидан узоқларга сафар қилиб кетади. Илм ва маърифатга бўлган жуда кучли шавқ ва иштиёқ Жузжонийни ўша даврда бутун Шарқ элларида донги чиққан моҳир табиб улуғ тадбиркор олим Абу Али ибн Сино ҳузурига (Ҳамадонга) етаклайди.

Баъзи бир манбаъларда берилган маълумотларга кўра, Абу Убайд Жузжоний умрининг тахминан чорак асрини ўзининг севимли устози буюк донишманд Ибн Сино ҳузурида ўтказади, у билан бирга яшайди, унинг раҳнамолигида, унга ҳамкор бўлиб илмий-тадқиқий ишлар олиб боради.

Устоз Ибн Сино ўз замонасининг машҳур ҳакими ва табиби сифатида Ҳамадоннинг ўша даврдаги ҳукмдори билан бирга Деҳистон, Журжон каби вилоятларда узоқ вақт сафарларда, юришларда, жанг-у-жадалларда бўларди. Ушандай кезларда Абу Убайд Жузжоний Ҳамадонда қолиб, устозининг илмий тадқиқотларини давом эттирар, ёзилмай қолган асарларини такмил қилар ҳамда уларни ниҳоясига етказар эди.

Манбаъларда хабар берилишича, Ибн Сино ўзининг таржимаи ҳолини, бошидан ўтказган саргузаштларини ўзи муфассал ёзиб юрган, бироқ 1037 йилда у қазо қилади. Ниҳояти 57 ёшида бевақт вафот этган севимли устозининг таржимаи ҳолини Абу Убайд Жузжоний араб тилида ёзиб ниҳоясига етказади.

Демак, ҳеч қандай муболағасиз айтишимиз мумкинки, Абу Убайд Жузжоний ўзининг бундай олижаноб иши билан бутун Шарқ, қолаверса, бутун дунё илм-маърифати ҳамда маданияти тарихида буюк хизмат этган.

Сўнгра у Ибн Синонинг тугалланмай қолган бошқа бебаҳо асарларини тамомлайди, бир неча қимматбаҳо илмий-фалсафий асарларига араб ва форс тилларида шарҳлар ёзади.

Абу Убайд Жузжоний 1047 йилда Ҳамадонда вафот этади. Баъзи бир маълумотларга кўра, у Ҳамадонда ўзининг севимли устози Абу Али ибн Сино ёнига дафн этилади. Бошқа бир манбаъларда берилган маълумотларга қараганда, Абу Убайд Жузжоний 1037 йилда устози Ибн Сино вафот этгандан сўнг ўз ватани — Жузжон вилоятига қайтади, 1047 йилда Жузжонда вафот этади ва шу вилоятда дафн этилади.

Абу Убайд Жузжоний томонидан араб ва форс тилларида ёзилган асарлардан фақат баъзи бирларигина бизгача етиб келган:

1. «ИБН СИНО АСАРЛАРИНИНГ ФЕҲРИСТИ» (рўйхати), араб тилида.

2. «ИБН СИНОНИНГ ТАРЖИМАИ ҲОЛИ» араб тилида.

Ушбу асарнинг асл қўлёзма нусхаси ҳозир Британия музейида сақланмоқда. Мазкур китоб 1952 йилда Теҳронда эронлик машҳур шарқшунос олим марҳум Саид Нафисий томонидан нашр қилинган.

3. «РИСОЛА-И РИЁЗИЁТ-И «ДОНИШНОМА-и АЛОЙИ».

Мазкур асар ҳам Теҳронда нашр қилинган. Ўзбекистон ССР Ф. А. Шарқ қўлёзмалари тўпламининг учинчи жилдида айтилишича, Ибн Синонинг юқоридаги асари бешта мустақил рисолалардан иборат бўлиб, мантиқ, табиият, ҳайъат (астрономия, мусиқий ва метафизикага оид илмий-фалсафий масалаларни баён этган. Шарқ қўлёзмалари тўпламида (каталогида) яна шу нарса ҳам зикр этиладики, Ибн Синонинг юқоридаги илмий-фалсафий асари («Донишномаи Алойи») муаллиф вафотидан сўнг унинг шогирди (ал-Жузжоний) томонидан тартибга келтирилиб, араб тилидан форс тилига таржима ҳам қилинган. Бироқ ўша тўпламда «Жузжоний» хато равишда «ал-Журжоний деб берилган.

4. «РИСОЛА-И ҲАЙЪАТ» (Илми нужум—астрономия тўғрисида рисола). Устози Ибн Синонинг араб тилида ёзилган мазкур асарини Абу Убайд Жузжоний форс тилига таржима қилиб, «Ҳикмати Алойи» асарига киритган.

5. «РИСОЛА-И МУСИҚИЙ». Бу асарда Абу Убайд Жузжоний ўз устози Ибн Синонинг барча асарларидаги музикага оид фикрларини тўплаган ва мусиқий илмига доир ўзининг қарашларини ҳам баён этган.

6. «КИТОБИ НАЖОТ»нинг РИЁЗИЁТ ҚИСМИ». Маълумки, мазкур асар Ибн Синонинг араб тилида ёзилган илмий-фалсафий китобидир. Абу Убайд Жузжоний эса «РИЁЗИЁТ» қисмини ёзиб, унга қўшган.

7. «КИТОБ-АШ ШИФО»га ЁЗИЛГАН ДЕБОЧА». Бу—Ибн Синонинг машҳур илмий-фалсафий асарига Абу Убайд Жузжоний араб тилида муқаддима ёзган.

8. «КИТОБ-УЛ ҲАЙВОН» (Ҳайвонот дунёси ҳақидаги китоб). XII асрда яшаб ижод этган олим Абул Ҳасан Байҳақий фикрига қараганда, бу асар Абу Убайд Жузжонийнинг қаламига мансубдир.

9. «ТАРКИБ-УЛ АФЛОК» (Осмоний жисмлар таркиби борасидаги асар). Қутбиддин Маҳмуд Шерозий деган олим (XIV аср) ўзининг «ИХТИЁРОТИ МУЗАФФАРИЙ» асарида мазкур китобдан фойдаланганлигини ҳамда ўша асарнинг Абу Убайд Жузжоний қаламига мансуб эканлигини қайд этади.

10. «ШАРҲ-И РИСОЛАИ «ҲАЙ ИБН ЯҚЗОН» (Ибн Синонинг «Ҳай ибн Яқзон» рисоласига ёзилган шарҳлар). Маълумки, бу рисола Ибн Сино томонидан араб тилида ёзилган адабий асар бўлиб, унда илмий-фалсафий масалалар ҳам ёритилади. Шаҳри Зурий ва бошқа муаллифлар фикрича, Абу Убайд Жузжоний ўз устозининг мазкур рисоласига шарҳлар ёзган.

11. «ШАРҲ ВА ТАФСИР ДАР МУШКИЛОТИ ҚОНУН» (Ибн Синонинг «Ал-Қонун» номли машҳур асарига ёзилган шарҳ ва тафсирлар). Абул Ҳасан Байҳақий ва Шаҳри Зурийлар ҳам «Ал-Қонун»га шарҳ ва тафсирлар Абу Убайд Жузжоний томонидан ёзилганлигини қайд этадилар.

12. «ШАРҲ-И ҚАСИДАИ АЙНИЯ-И РУҲИЯ». (Ибн Синонинг «Айния и руҳия» қасидасига ёзилган шарҳлар). Ибн Синонинг мазкур асарида руҳ ва жисм ҳамда уларнинг ўзаро муносабатлари сингари фалсафий-психологик масалалар кенг ёритилган.

Юқорида зикр этилган асарларнинг номларидан ва уларга берилган изоҳларидан ҳам кўриниб турибдики, Абу Убайд Жузжоний ўзининг кўпгина асарларини ўз устози улуғ донишманд Ибн Сино раҳнамолигида, у билан ҳамкорликда ёзган. Шунинг учун ҳам мазкур асарларни устоз ва шогирд—Ибн Сино ҳамда Жузжонийларнинг умумий, муштарак асарлари деб баҳоламоғимиз ҳамда уларни илмий жиҳатдан ҳар тарафлама чуқур ўрганмоғимиз лозим.

Биз ушбу кичик мақоламизда шарқшунослар, файласуфлар, адабиётшунослар, тилшунослар, санъатшунослар, музикашунослар ва ижтимоий фанлар соҳасидаги бошқа муҳтарам мутахассислар эътиборини шу нарсага жалб этиб ўтишни истардикки, Абу Убайд Жузжоний каби илмий жамоатчиликка ҳали унчалик маълум бўлмаган буюк сиймолар ҳаёти ва ижоди атрофида олиб бориладиган фалсафий, тарихий, тил ва адабиётшунослик ҳамда шарқшунослик бобидаги илмий тадқиқий ишлар Ўрта Осиё ва унга қўшни бўлган Хорижий Шарқ мамлакатларидаги халқларнинг маданият тарихини илмий жиҳатдан ҳар тарафлама чуқур ўрганишда катта аҳамиятга эгадир. Шунингдек, бундай илмий-тадқиқий ишлар буюк қомусий олим Ибн Сино билан унинг шогирди Абу Убайд Жузжоний орасидаги ўзаро илмий тадқиқий муносабатларни ҳам маълум даражада ёритиб берган бўларди.

Ориф УСМОНОВ,
филология фанлари кандидати.
МУҲАММАД ЯЪҚУБ ВОҲИДИЙ ТошДУ аспиранти.

УЧ ҚАҲРАМОН

Кўкка этдилар парвоз
Уч оғайни ботирлар.
Самодан келар овоз,
Мардлар учаётирлар.

Тезлатиб фан суръатин,
Билмади улар тойиш.
Советлар куч-қудратин,
Қилди улар намойиш.

Йўл бердилар булутлар,
Уларга қилиб таъзим.
Пўлат қанот бургутлар,
Кўкка қилганда жазм.
Она-Ер кутар эди,.

Ўғлонларин нигорон,
Гул даста тутар эди,
Шод бўлиб жами инсон.
Э воҳ, шунда алоқа,
Узилди, келмас овоз.
Одамлар кўкка боқа,
Дерлар: қани уч шоввоз!
Афсус, афсус, минг афсус.
Ҳаводан келмас нидо.
Кемага боқиб маъюс,
Одамлар дер алвидо...
Кремль деворлари,
Сақлайди улар хокин.
Космоснинг шунқорлари,
Ётар бу ерда сокин.
Кўчамизнинг номи ҳам,
Уч қаҳрамон аталар.
Тахсин ўқирлар ҳар дам,

Оналар ва оталар.
Йўқ, ўлмаган ботирлар,
Улар тирик умрбод.
Халқ уларни хотирлар,
Йиллар бўйи этиб ёд.

Т. ЭРНАЗАРОВ.

Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент Марказий универсал магазини меҳнаткашларга намунали савдо хизмати кўрсатмоқда.

СУРАТДА: радио-телевизор секциясида савдо пайти.

Мамлакатимизнинг спорт байрами

(Боши 1-бетда).

СПАРТАКИАДАНИНГ биринчи ғолиблари аниқланди. «Куйловчи ўқ»чилар турнирида ленинградлик Михаил Пеунов ва тбилисилик спортчи Любовь Асатурова ғолиб чиқишди. Нева бўйидан келган Михаилнинг муваффақияти ҳеч кимни ҳайратга солгани йўқ. У камон ва ўқ билан кўпдан бери таниш. Аммо, грузиялик қизнинг ғалабаси кўпчилик учун янгилик бўлди.

«Академик» эшкак эшувчилар ҳам Спартакиаданинг катта медалларига сазовор бўлишди. Мусобақанинг уч турида москваликлар, икки турида ленинградликлар ва бир турида Россия Федерациясининг спортчилари ғалаба қозонишди.

Республикамиз вакиллари ҳозирча ўз мухлисларини хурсанд этишаётгани йўқ. Республикамизда камончилар бўлмаганлиги сабабли, улар мерганлар мусобақасида иштирок этишмади. Эшкак эшувчилар орасида эса бекободлик Владимир Мустафоевгина очколар келтирадиган кучли саккизликка кира олди. Бу командамизга биринчи очконн келтирди.

Баскетболчилар турнири бошланиши олдидан биз, командаларимиз финал олтилиқка кирса мўъжиза бўлади, деб ёзган эдик. Аммо мўъжиза бўлгани йўқ. Шундай бўлса ҳам, баскетболчи эркакларимиз ва аёлларимиз ўз ўйинлари билан юксак мақтовларга сазовор бўлишди. Улар ҳар бир учрашувда ғалаба учун сўнгги дақиқага қадар курашдилар. Лекин, рақиблар кучли чиқди. Эртага биз баскетболчилар турнирининг сўнгги натижаларини биламиз.

Шундай қилиб, ўзбек спортчилари учун Спартакиаданинг дастлабки босқичи қувонарли бўлгани йўқ. Навбатдаги финал учрашувлар қандай натижа келтирар экан? Бугун Спартакиадада курашчилар, велосипед пойгачилари, самбочилар, қайиқ ва каноэларда эшкак эшувчилар, енгил атлетикачилар бахси бошланади.

Бизнинг курашчилардан умидимиз катта. Ўзбекистон XV спартакиадаси спортчиларимизнинг — СССРнинг экс-чемпиони Р. Казаков, Э. Юсупов, ёшлар ўртасида мамлакат чемпиони А. Шодиевнинг ҳозир яхши формада эканлигини кўрсатди. Классик усулда кураш тушувчи бу спортчилар мукофотли ўрин учун жиддий даъвогарлик қилишлари мумкин.

Ўзбекистоннинг бир неча марта чемпиони А. Истомин, «Меҳнат резервлари» кўнгилли спорт жамияти Марказий Советининг чемпиони К. Асрақулов, тажрибали спорт мастери И. Туробов каби маҳоратли курашчиларни бирлаштирган эркин курашчиларимиз ҳам спартакиадада яхши натижа кўрсатиши мумкин. Аммо бу ерда қуръа натижалари ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Бизнинг самбочилардан ҳам умидимиз катта. Сўнгги йилларда жуда кўп ёшлар самбо билан шуғулланмоқда. Республика спартакиадаси бунинг яққол гувоҳи бўлди. Самбочилар турнирида республикамиз барча областларининг вакиллари иштирок этди.

Қайиқ ва каноэларда эшкак эшувчиларимиз пойтахтда қандай натижа кўрсатишади, айтиш қийин. Ҳозирча улар Бутуниттифоқ мусобақаларида айтарли ғалабаларни қўлга киритишмаган.

Спартакиада арафасида Ўзбекистоннинг велосипедчилар командаси Москва атрофида минглаб километрлар йўл босиб ўтди. Тренерлар Ю. Поминов ва М. Тўйчиев раҳбарлигида «шоссе»да мусобақалашувчи спортчиларимиз жуда кўп тер тўкишди. А. Дулин, А. Дякусар, А. Жарков ва бошқа пойгачилар масъул мусобақаларга кизғин тайёргарлик кўришди. Бугун улар биринчи марта стартга чиқишади. Ишонамизки, уларнинг кўп соатлик меҳнати зое кетмаса керак.

Бугун енгил атлетикачилар бахси ҳам бошланади. Янги реконструкция қилинган секторлар, рекортан йўлкачалар уларнинг хизматида бўлади. Фахрли медалларнинг даъвогарлари жуда кўп. Республикамиз вакиллари Спартакиаданинг бу турида юксак натижаларга эриша олмасалар керак. Ишқибозлар фақат В. Чулкованинг яхши натижа кўрсатишига умид қилишлари мумкин. Нозиккина бу қиз яқинда 182 сантиметр баландликка сакраб, халқаро спорт мастери унвонига сазовор бўлди. Шунинг учун Валентина Спартакиаданинг уч медалидан бирортасига, албатта, сазовор бўлса керак. Командамизга яна бир неча спортчилар: тўсиқ билан югурувчи В. Тяпугин, югурувчилар А. Кисилев, Н. Храмов ва Р. Бабич, молот улоқтирувчи Э. Андрис ва бошқалар очколар келтириши мумкин. Бунинг учун улар бутун кучларини, бутун маҳоратларини курашга сарфлашлари керак. Бусиз муваффақиятга эришиб бўлмайди.

Шундай қилиб бугун спорт мухлисларини жуда кўп қизиқарли олишувлар кутмоқда. СССР халқларининг V Спартакиадаси ҳал қилувчи босқичга кираяпти.

Баландликка сакровчи тошкентлик армиячи В. Чулкова.

Самбочи Г. Калеткин.

Н. Надеждин фотолари.

Планетамиз янгиликлари

• Социализм мамлакатларида

Студентлар қурилишларда

БРАТИСЛАВА. Чехословакияда ёшларнинг ёзги қурилиш мавсуми бошланди. ЧССРнинг ўн минг студенти халқ хўжалигининг муҳим объектлари қурилишида меҳнат қилади. Қурилишларда ўзларининг чехословакиялик тенгдошлари билан биргаликда Совет Иттифоқи, Болгария, Венгрия ва бошқа мамлакатлардан келган студентлар отряди ҳам ишлайди. Улар, масалан, Словакия Социалистик Республикасининг Банска-Бистрица шаҳрида педагогика факультетининг, Кошице шаҳрида медицина факультетининг, Жилин шаҳрида транспорт институтининг янги биноларини ва бошқа муҳим объектларни бунёд этадилар.

Болалар шаҳарчаси қурилаётган Тренчина шаҳри яқинидаги Златовецга Европанинг қарийб ҳамма мамлакатларидан келган халқаро қурилиш лагерларининг иштирокчилари тўпланишади. Бу ерда Совет Иттифоқидан келган студентларнинг йирик қурилиш отряди ҳам меҳнат қилади.

Халқаро пионерлар лагери

БЕРЛИН. Германия Демократик Республикасининг Преров шаҳарчасида Болтиқ денгизи соҳилида пионерларнинг Халқаро лагери тантанали суратда очилди. Бу лагерда 12 мамлакат болалари дам оладилар.

Германия Демократик Республикаси пионерларининг меҳмонлари сифатида Совет Иттифоқи, Польша, Чехословакия, Венгрия, Франция, Бельгия, Дания, Швеция, Ғарбий Германия, Финляндия ва Канададан бу лагерга келган болалар Германия Демократик Республикасининг денгиз соҳилидаги округи Росток билан ҳам танишадилар.

Инглизча ҳамкорлик

КУРКАМ уйнинг дерза пардасидан юз тузилиши Англия ҳукуматининг ҳозирги бош министрига жуда ўхшаб кетадиган киши мўралаб турибди. У берк эшик олдида нима қилишини билмай ҳайрон бўлиб турган ҳинд газламасининг сотувчисига айёрона кулиб қарамоқда. Эшикка шундай деб ёзилган: «Европага кетдим, қайтиб келмайман...» Бундай карикатуралар ҳозир ҳинд газеталарида тез-тез пайдо бўлиб турибди. Бу мамлакат жамоатчилиги Англия ҳукуматининг Ҳамдўстлик мамлакатларидан ип газлама импорт қилишдаги имтиёзларни («империя енгилликларини») йўқ қилиш ҳақидаги қарорини жуда норози бўлиб кутиб олди. Бу қарорга мувофиқ ҳинд газламаси келаси йилнинг биринчи январидан инглиз бозорига 15 процентли импорт божидан иборат бўлган ғовдан ўтиб бориши керак.

Таможний ғовларини кўтариш ҳақидаги ғоя унчалик янги эмас. 1959 йилда олдинга сурилган бу ғоя ривожланаётган мамлакатларда — Ҳамдўстликнинг аъзоларида шундай норозилик уйғотгандики, натижада Англия ўз обрўсини сақлаб қолиш мақсадида фикридан қайтишга мажбур бўлганди.

Нега энди Ҳинд ҳукумати бундай кескин йўл тутди? Бу Англияни «Умумий бозор»нинг салкам аъзоси ҳисоблаётган консерваторларнинг Европадаги сиёсати натижасидир. Улар мана шу тор иқтисодий группировкага хушомад қилиб, Ҳамдўстлик мамлакатлари манфаатларини оёқ ости қилишга тайёрдирлар.

Яқинда Англиядаги «Обсервер» газетасида Колин Легамнинг «Биз дўстларимизни тарк этаяпмизми?» номли мақоласи босилди. Бу мақолада шундай фактик материаллар ва шундай далиллар келтириладики, у ўқувчини сарлавҳада қўйилган саволга «ҳа» деб жавоб беришга мажбур қилади.

Англиянинг «Умумий бозор»га кириши, дейилади мақолада, Ҳамдўстлик мамлакатларига кирган фақат ривожланаётган мамлакатларнигина эмас, балки ривожланган мамлакатларга ҳам таъсир кўрсатади. Австралия ёғ, гўшт, пишлоқ, мева, дон ва қанд сотадиган бозордан маҳрум бўлади. Янги Зеландия экономикаси ҳам қаттиқ зарар кўради. Канаданинг савдо манфаатлари фақат қишлоқ хўжалиги соҳасидагина зарар кўриб қолмайди. Легамнинг айтишича, биринчи навбатда Канаданинг саноат тараққиёти истиқболи ёмонлашади. Англия бозоридан маҳрум бўлганидан кейин, унинг Америка монополияларига қарши кураши қийинлашиб қолади.

Автор Англиянинг «Умумий бозор»га кириши тўқимачилик маҳсулотлари етказиб берадиган мамлакатларга ҳам зиён етказади деб фақат бир жойда айтиб ўтади. Лекин мана шу бир оғиз сўзнинг остида Осиёдаги ривожланаётган мамлакатларнинг, биринчи навбатда Ҳиндистоннинг ҳаётий муҳим манфаатлари ётади. Англия бозорида Ҳиндистоннинг экспорт қилинадиган ип газламасининг тўртдан бири сотилади. Ўтган йили Ҳиндистон бундан 200 миллион рупий даромад қилди. Буюк Британия билан савдо муносабатлари шу пайтгача 1939 йилдаги Ҳиндистондан келтириладиган молларга бир қатор имтиёзларни назарда тутувчи битимга мувофиқ амалга ошириларди. Англиянинг бу имтиёзларни йўқ қилиши фақат мавжуд битимни бузишгина бўлиб қолмай, БМТнинг савдо бўйича Конференциясидаги ривожланаётган мамлакатларга таможний енгилликлари ҳақидаги тавсияномасининг руҳига ва мазмунига ҳам қарама-қаршидир.

Газмол сотишга имтиёзларнинг йўқ қилиниши натижасида Ҳиндистон Англия бозорида кучли конкуренцияга дуч келади. Англиянинг «Умумий бозор»га кириши Ҳиндистонга яна шунинг учун ҳам зарар келтирадики, «олти» мамлакатнинг газлама ишлаб чиқарувчилари ички бозорда бошқа мамлакат экспортерлари олдида имтиёзга эгадирлар. Ҳиндистон ташқи савдо министри Л. Н. Мишра Лондондаги яқинда бўлган музокараларда Ҳиндистон экспортига бўладиган мана шу жиддий зарарлар ҳақида ҳам гапириб ўтди.

Англиянинг «Умумий бозор»га кириши истиқболлари қараб чиқилаётган пайтдан бошлаб, консерваторлар ҳукумати ўзларининг анъанавий рақиблари манфаатини очиқдан-очиқ оёқ ости қила бошладилар. Жанубий Африкага қурол сотганлиги, эмигрантлар ҳақида қонун қабул қилинганлиги, бу қонуннинг айрим низомлари очиқдан-очиқ ирқчилик характерида эканлиги ва ниҳоят, тўқимачилик молларига импорт божлари ҳақида қарор қабул қилинганлиги — булар ҳаммаси Африка-Осиё давлатларига қарши қаратилган. Худди шунинг учун ҳам Ҳиндистон парламенти депутатлари Республика ҳукуматидан лозим бўлган жавоб тадбирларни белгилашни талаб қилганларида якдил эдилар.

Маҳаллий «Пэтриот» газетаси бу масала бўйича парламент мунозараларини якунлаб, шундай деб ёзди: «Англия ўзининг қабиҳ мақсадлари йўлида бизнинг манфаатларимизни кўмиб ташлашга тайёр турган бир пайтда Англия компанияларининг фойда ишларини тақиқлашга ва ҳатто уларни национализация қилишга ғоят революцион тадбирлар сифатида қараш керак эмас».

В. ТРУБНИКОВ,
АПН мухбири.
Деҳли.

ГФР ҳукуматининг фармойиши

БОНН. ГФР ҳукумати Федератив Республикадаги идоралар ва муассасаларга бундан кейин фақат иккинчи герман давлатининг расмий номи Германия Демократик Республикаси, деб юритиш ҳақида фармон берди. ГФР ҳукуматининг расмий вакили Алерс Боннда матбуот конференциясида шу ҳақда хабар берди.

Бу фармойиш христиан демократлар союзи — христиан социалистлар союзи партияси ҳукмронлик қилган пайтда чиқарилган ва Германия Демократик Республикасини ўз номи билан атамаслик тўғрисидаги илгариги инструкцияни бекор қилади.

Бош министр Сатонинг айтганлари

ТОКИО. (ТАСС). Бу ерда бўлиб ўтган матбуот конференциясида сўзга чиққан Бош министр Сато Япония етарли равишда қудратли қуролли кучларга эга бўлиши лозим, деди. АҚШ Мудофаа министри Лэйрднинг яқинда Японияга қилган визити натижалари тўғрисидаги саволга жавоб бериб, Сато бу визит «Мудофаа масалаларида» иккала мамлакат ўртасидаги «ҳамжиҳатликни чуқурлаштириш»га ёрдам берди, деб айтди.

ЎЛИМ НАВБАТИ «ФЕРРАРИ» ГА КЕЛДИ

Жуда катта тезликда келаётган пойга машинаси тик бурила бошлади. Унинг олдидаги ўнг ғилдирагининг покришкаси учиб кетди ва машина четга итқитиб юборилди. Тақ этган товуш эшитилди-ю, аланга кўтарилди. Югуриб келган полициячилар ўт ичидан пойгачининг танасини тортиб чиқаришди. Орадан бир неча соат ўтгач, пойгачи госпиталда жон берди.

Шундай қилиб, мексикалик Педро Родригес 1945 йилдан бери «катта соврин» мусобақасида ҳалок бўлган 39-пойгачи бўлди.

...У укаси Рикардо билан бирга 17 яшарлигидаёқ профессионал пойгачилик йўлига кирган эди. Авваллари ака-уканинг омади келди. Улар 1961 йилда ўтказилган «Нюрнберг»нинг 1000 километрли» пойгасида иккинчи ўринни ва яна шу йили «Флоридада 12 соат» пойгасида учинчи ўринни «Парижда 1000 километр» пойгасида биринчи ўринни эгаллашдилар. Улар 1962 йилда Париж пойгасида яна биринчиликни қўлга киритдилар. Лекин кузда «Мексика соврини» мусобақаларига тайёргарлик кўриш чоғида Рикардо ҳалок бўлди...

Рикардонинг ўлими ва отасининг ўгит-насиҳатлари сабабли Педро пойгалардан бирмунча вақт воз кечди. Пойгачиликка эътиқод қўйган. 12 яшарлигидаёқ мотоспорт бўйича Мексика чемпиони бўлган Педро ўз ҳаётини тез юриладиган трассалардаги мусобақаларсиз тасаввур этолмасди.

Шундай қилиб, у яна ҳаёт-мамот пойгасига тушди. Автомобиль заводлари ва нефть трестларининг эгалари, покришкалар ва ёндириш шамлари ишлаб чиқарувчи фирмаларнинг эгалари ўз молларини кўз-кўз қилишлари керак, шунинг учун ҳам улар «Тезроқ!» «Тезроқ!» «Яна ҳам тезроқ!» деб қистардилар. Бошни айлантирадиган янги трассалар очилади, янги, аввалгисидан анча каттароқ, совринлар белгиланади. Улкан фойда тўплаш машинаси янгидан-янги кишиларнинг ёстиғини қуритиб туради. Пойгачилар бирин-кетин ҳалок бўлавердилар.

1970 йилда «Лотус» машиналарида ҳалокатли ҳодисалар бўлиб ўтди. Энди бўлса «Феррари» машинаси ҳайдаган Педро Родригес ҳалок бўлди.

В. ВЛАДИМИРОВ.
ТАСС мухбири.

ЖАҲОН ПРОГРЕССИВ АДАБИЁТИДАН

Такази Сивасанкара ПИЛЛАИ (Ҳиндистон)

ОНА ва ЎҒИЛ

Ҳикоя

Говинданнинг ангорига қараб туриб, хотини давом этди:

— Отанг менга кулиб қараса ва илтифотли бўлса ҳам у барибир мени ёқтирмайди. Менинг пулимдан фойдаланади деб қўрқиб, у бизга ҳеч нарса қолдирмайди.

Гарчи Говиндан хотинининг фикрига қўшилмаса ҳам юрагининг тубида унинг мулоҳазалари тўғри эканлигига тан бермасдан иложи йўқ эди.

Говиндан бу масалани Алеппида адвокат бўлиб ишлайдиган укаси билан муҳокама қилиб, унга шундай деди: агар отам меросга бирон нарса қолдирмоқчи бўлса, биз нимага умид боғлашимизни айтиб кетсин. Адвокат ўша заҳоти Говинданнинг фикрига қўшилди: чиндан ҳам отаси бор мулкини Бхаванининг бир ўзига васият қилиб қолдириши эҳтимолдан ҳоли эмас эди.

Ака-ука Бхаванига нисбатан ҳам бирон-бир тадбир кўришга қарор қилишди. Тўйда ўртада турган Парамуга одам юборишди. Мерос ҳақидаги масалани кўтаришдан аввал Параму Бхаванининг эри билан гаплашиши керак эди.

Говиндан ишини йиғиштириб, бир неча кунга отпуска олди ва оиласи билан отасиникига келди. Унинг кетидан Алеппидан адвокат ҳам келди. Парамунинг музокара натижаси билан қайтиб келишини кута бошладилар.

Параму бир неча кундан кейин қайтиб келди. Уни биринчи бўлиб Санкуммананнинг ўзи кўрди.

— Қалай, Параму?—баланд товуш билан сўради у, хабарчи томон ошиқиб,—Ҳеч бир умид учқуни борми? Куёвимнинг юраги юмшадими?

Парамунинг ангорига қараганда, у хушхабар билан келмаганди.

— Йўлда чарчадим!—деди у. —Минг миль ва яна минг миль, ҳаммаси бўлиб икки минг миль юрдим. Нафасимни ростлаб олишимга имкон беринглар, ҳаммасини бир чеккадан гапириб бераман.

Санкуммананнинг кўз олди қоронғилашиб кетди.

— Нараяна! Нараяна! —деб таъкидлади у кўкрагига уриб. У худодан бўлак ҳеч кимдан ёрдам сўролмасди.

Эшикда Бхавани кўринди, унинг тоқати тоқ бўлганди. Кришнан Кутти унинг ёнида кўйлагининг этагидан ушлаб турарди. Бхавани оғир хўрсинишни ютиб, кўз ёшларини этаги билан артди ва уйига қайтиб кетди. Ўғли ортидан эргашди. Ҳовлида аввалгидай аламли нола эшитиларди.

— Нараяна! Нараяна!

Говиндан айвонда дам олаётган Параму ёнида укаси билан турарди. Уларнинг аёллари эшик ва дераза олдида дам пайдо бўлиб, дам нари кетиб туришарди, улар янгиликни тезроқ эшитишга ошиқишаётганди. Санкуммананнинг хотини ўриндиққа ўтирди. Санкуммананнинг ўзи эса ҳовлида бемақсад гир айланиб, кўкрагига урарди:

— Нараяна! Нараяна!

Параму кофени ичиб, пиёлани суриб қўйди ва ҳикояни бошлади.

— Мен унинг ҳузурига кириш учун икки кун кутдим. Н. П. Пиллаи—эътиборли одам. Унинг ҳузурига кириш осон эмас. Тавсиянома топишга тўғри келди. У хизмат қиладиган Р. Д. С. компанияси жуда кўрса кўргудай.

Говинданнинг тоқати тоқ бўлди.

— Катта компаниядаги эътиборли одам охири сенга нима деди?—деди у унинг гапини бўлиб.

Параму жим бўлиб қолди. У гўё ишнинг моҳиятини қай йўсинда тушунарлироқ қилиб баён қилишни ўйлаётгандай эди.

— Онасига ағдаряпти,—деди у ниҳоят.— У сизлар билан ҳеч қандай муносабатда бўлишни истамаяпганмиш.

Айвонда Кришнан Кутти пайдо бўлди ва бувисининг олдида туриб олди.

— У,—давом этди Параму. — содир бўлган аҳволда биз айбли эмас деяпти. Унинг синглиси эрсиз қолди ва бетиним йиғлаяпти. У бутун оиласига тирик тозон бўлиб қолди. Бхаванига уйланаётганда Пиллаи синглиси ҳам эрли бўлишига шак-шубҳа қилмаганди.

— Менга силни тиркамоқчи бўлганди-да!—Говиндан ўзини тутиб туролмади.—У қоқ суякка ким ҳам уйланарди! Шунинг учун ҳам у ўтириб қолди...

Ҳовлида Санкуммананнинг аламли ноласи эшитилди:

— Нараяна! Нараяна!

Ноласини худо эшитишига умид қилгандай, у тобора баландроқ овоз соларди. Говинданнинг хотини эшикдан нари кетди.

— Шўрлик! У юрагини қанчалик пора қиляпти-я,—деди хўрсиниб кампир.

Говиндан индамади.

— Пиллаи, — сўради адвокат, — кампир онаси ўлганидан кейин бизга муносабатини ўзгартирармикин?

— Бу саволга жавоб бериш қийин эди. Пиллаининг сўзларида онаси ўлганидан кейин хотини ва ўғлини ўз ихтиёрига олишга ишора йўқ эди. Лекин Параму у айтган гапларни ака-укалар истагандай талқин қилишга ҳаракат қилди.

— Пиллаи онам хотиним билан ярашишимга тўсқинлик қиляпти деб ҳақиқатда ҳам айтди. Ҳар ҳолда бу гапдан бирон бир маъно чиқарса бўлади. Лекин мен бу ҳақда гапирмаслигим керак эди.

— Акам ўша силга уйланганида ҳам Пиллаи ўзини худди шундай тутарди,—деди жаҳл билан адвокат.—Ҳа майли, масала фақат шунда эмас. Қолаверса, онаси ҳаёт экан, уни ҳеч ким хотини билан ярашишга мажбур қилолмайди. Лекин унинг ўғлини нима қилиш керак? У ҳайвон бу ҳақда бирон нарса дедими?

— Балога мен қолдим! — Параму кулди. — Параму сизлар ҳақингизда гапирганида ҳам худди шу сўзларни айтди. Ҳа-ҳа, сизларни ҳайвонлар деди. Мен бечорага эса буларнинг ҳаммасини бир бошдан аввал ундан, кейин сизлардан эшитишга тўғри келяпти. У мени тикка юзимга ёлғончи ва восвос деб атади.

— Шунинг учун ҳам мен айтяпманки,—давом этди адвокат. —Бхаванининг келажаги ҳақидаги масалани кейинчалик ҳал қилишимиз керак эди. Улар акамни силга уйлантириб, ҳаётини барбод қилмоқчи бўлишганди. Яхшиси, улар Бхаванининг ўғли ҳақида нима дейишаётганини айт.

Бу масалада ҳеч бир қийинчилик йўқ эди. Параму нима дейишни биларди.

— Агар сиз рози бўлсангиз, улар болани ўзи ихтиёрларига олишга рози. Унга Пиллаининг онаси қарайди. Пиллаининг айтишича, у бола бизникида яшасин деб қўймаётган эмиш.

Бир дақиқа ҳамма жим бўлди. Фақат ҳовлида ўзининг бирдан бир ҳимоячиси Нараянага мурожаат қилаётган мўйсафиднинг қайғули товуши эшитиларди.

— Мен бир нарсани сўрамоқчи эдим, Параму, — кампир сукунатни бузди.—Пиллаининг юрагида Бхаванига нисбатан озгина бўлса ҳам муҳаббат чўғи сақландимикан?

Параму бу борада аниқ бир гап айтолмади. У Н. П. Пиллаига Бхаванининг ғам ва ҳасрати ҳақида батафсил ҳикоя қилибди. Лекин, афтидан бу ҳикоя унинг юрагини юмшатмабди. Тўғри, гарчи атрофидагилар Бхаванини қораласалар ҳам унинг ўзи бу ҳақда ҳеч бир ёмон гап айтмабди.

— Демак, умид қилсак, бўлади—деди кампир.

— Нимани умид қиласиз, ойи?—деб сўради адвокат.

— Ҳар нима бўлса ҳам у шўрлик Бхаванини ҳеч нарсада айблаётгани йўқ-ку, аслида ҳамма айбни унга ағдариши ҳам мумкин эди. Агар уни ёмонлаганида эди, қўлни ювиб қўлтиққа урса бўларди.

— Бағритош ҳайвон!— деб бақирди адвокат.—Дўзахи!

Кампирнинг юрагини исита бошлаган умид учқуни аста сўна бошлади.

— Наҳотки илоҳим Бхаванининг кўз ёшларини кўрмайди отасининг нолаларини эшитмайди!—деди кампир.—Йўқ, мен ишонаман, бир кунмас бир кун Пиллаининг юраги юмшайди!

Адвокат бунга қарийб ишонмасди.

— Эҳтимол, биз Пиллаига қарши иш бошлаб, уни хотини ва ўғлига нафақа тўлашга мажбур қилишимиз лозимдир? — деб таклиф қилди у. —Пиллаи ойига икки минг рупийдан ортиқ ишлайди, Бхаванига бу пулдан кам деганда етти юз рупий ҳукм қилиб берилади.

— Уни боплаб таъзирини бериш керак!—қувватлади Говиндан.

— Бу пул менга керак эмас! —эшик ортидан Бхаванининг қатъий товуши эшитилди.—Мен бу ишда қатнашмайман...

Бхавани ҳеч бир шароитда бундай қадам қўйишга рози бўлмаслиги ва судга бормаслиги ҳаммага маълум бўлди. Ака-ука қовоғини осилтириб жим бўлишди. Вазият кескинлашганди, ўйламай айтилган бирон сўз тўполонга сабаб бўлиши мумкин эди.

Ўғиллари уришиб кетишидан қўрққан кампир Парамуга шошиб деди:

— Эҳтимол, йўлда тамадди ҳам қилмагандирсиз! Чиқиб ювиниб, овқатланинг, дам олинг. Кейин қолганини гапириб берарсиз.

Параму ташқарига чиқди, Говиндан эса ўз хонасига кирди.

— Эътибор бердингми, синглинг ўзини қандай тутди?—деб пичирлади унга хотини.—Одам катта акаси билан ҳам шундай гаплашадими-я? На камтарликни, на вазминликни, на ҳурматни билади! Бўйнимга оламан, мен сенга бошингни айлантириб тегиб олганман. Мен ёмон жувонман, лекин мен ҳеч қачон ўз акаларим билан бундай гаплашишга журъат қилмаган бўлардим.

Хотини Говинданнинг юз ифодасини диққат билан кузатиб, давом этди:

— Унга етти юз рупийнинг кераги йўқ! Ҳотамтойликни қаранглар-а! У отасининг бутун меросига эга бўлишни ўйлаб, шундай деяпти. Нега сен унинг танобини тортиб қўймадинг? Синглинг гапираётганда тилингни тишлаб ўтирдинг.

У бу гаплар билан ҳам қаноатланмади.

— Истасанг, мен сенга унинг попугини пасайтириб қўйишни ўргатиб қўяман,— деб давом этди у.— Отангни олдига уканг билан чиқиб, ҳар биринг ўз меросингни талаб қил. Бхаванининг ҳиссаси ўша заҳоти учдан бирга камаяди. Кўрамиз кейин у нима деб кериларкин...

Бу суҳбат «Илликкал» хонадонининг хоналаридан бирида бўлиб ўтди. Лекин бу хонадонда кичик, алоҳида дунёси бўлган яна бир хона бор эдики, бу ердаги аёл кўзидан шашқатор ёш оқизиб, жимгина азоб чекарди. Қувонч унинг ҳаётини бир умрга тарк этганди. Табассум ҳеч қачон унинг юзини ёриштирмасди. Икки инсон—она ва ўғил ғам-ҳасрат дунёсига чўмганди. Бу ерда оллонинг кучи ҳукмрон эди, улар унга ихлос билан сиғинишарди. Лекин Бхаванининг ўртанган юрагидан чиққан нолага олло ҳам қулоқ солмасди. Шундай бўлса ҳам у ўз азоблари учун бировни айбламасди. Кришнан онасининг гиззасига бош қўйиб, чалқанча ётарди.

— Ойи,—деди у бирдан. — Мен сендан бир нарсани сўрамоқчи эдим.

— Айт, ўғлим.

— Сен хўп дейсанми?

— Сенинг бебахт онанг, сен учун нимага қодир бўлса, ҳамма нарсани қилади, ўғлим.

— Менга отамнинг онасиникида яшашга рухсат бер,—деди Кришнан секингина.

Бхаванининг кўзларидан ёш дарё бўлиб оқди.

— Сен нега йиғлаяпсан, ойи?—ўғли унинг юзини кафтлари билан артатуриб сўради.

— Мен сендан айрилсам ўламан!—Бхавани шу сўзларнигина айта олди холос.

— Ойижон!—ўғли чинқириб унинг бўйнига осилди.— Мен ҳеч қаёққа бормайман! Мен ҳамиша сен билан бўламан! Она ўғлини ўпиб, бағрига босди.

Бхавани Кришнан Куттини ювинтириб унга энг яхши костюмини кийгизгач, ўғлининг сочларини хафсала билан тарадди, сўнг кўзида ёш билан дуо қилиб йўлга кузатиб қўйди. Қаёққа? Отасиникига. Ўшанда Параму Бхаванида эрининг гинақудрати йўқ, лекин ҳозирча онаси ҳаёт экан, ярашиш ҳақида гап-сўз бўлиши мумкин эмас деган эди. Мана эрининг онаси ўлди, Бхаванининг юрагида яна умид учқуни пайдо бўлди.

Бугун у эрининг олдига худойим берган кичик элчини юбораяпти. Кришнанни отаси ҳеч кўрмаганди, лекин у ўз пуштикамаридан бўлган ўғлику! Ажабмаски, ўғлини кўриб отаси кўз ёш қилса! Ажабмаски, ҳамма нарсани унутиб, уни бағрига босса! Уларни ажратиб турган ғов—одамлар тўқиган пуч нарса. Табиатнинг бундай нарсалар билан иши йўқ—унинг ўз қонунлари бор. Ота ўғилни севмаслиги мумкин эмас, табиатнинг қонуни шундай. Шу пайтгача бунинг учун имконият йўқ эди—ота ва ўғил бир-бирини кўрмаганди. Лекин бугун эса улар учрашишади ва ҳамма нарса бошқача бўлади. Ажабмаски Кришнан уйга отаси билан қайтиб келса. Эрим қайтиб келиши керак, у қайтмаслиги мумкин эмас,—Бхавани шундай хаёлда эди. Қондошлик алоқалари—унинг бутун умиди мана шундан эди. Эри қайтади, ҳўнграб уни бағрига олади, кейин уларнинг оиласида, узоқ вақт орзу қилган тинчлик, абадий тинчлик тантана қилади.

[Давоми бор].

[ДАВОМИ. Боши газетанинг 162, 164-сонларида].

Редактор ўринбосари
М. КАРИМОВ.

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

ТОШКЕНТ ТЕЛЕВИДЕНИЕ СТУДИЯСИНИНГ БИР ҲАФТАЛИК ПРОГРАММАСИ

19 ИЮЛЬ—ДУШАНБА

Биринчи программа. Москва кўрсатади. 17.45 Кўрсатувлар программаси. 18.00 Ўқувчилар учун. «Пионерия». 18.25 «Табиат ва инсон». **Тошкент кўрсатади.** 18.55 Кўрсатувлар программаси. **Рус тилида:** 19.00 «Ахборот» информацион программаси. 19.15 «Советский воин» тележурнали. **Узбек тилида:** 20.15 «Ахборот» информацион программаси. 20.30 Кинопублицист экрани. 21.25 Оламда нима гап? 21.55 Телевизион театр. Т. Қайипбергенов. «Маманбий қиссаси» **Москва кўрсатади.** 23.30 «Вақт» информацион программаси. 24.00 «Жаҳон халқлари ижоди». Биринчи кўрсатув. 00.30 Москва кўрсатувларининг охири.

Иккинчи программа. Тошкент кўрсатади. 17.50 Кўрсатувлар программаси. **Рус тилида:** 17.55 «Маша ва қўнғиз». Болалар учун қўғирчоқ фильм. 18.10 «Татаристон, 1970 йил». Ҳужжатли фильм. **Москва кўрсатади.** 18.55 Камер кечаси. Музикада Пушкин лирикаси. 20.05 Янгиликлар. 20.15 «Тўрт инсон қалби». Бадиий фильм. 21.45 Ҳужжатли фильм. 22.00 Рангли телевидение. СССР халқларининг V спартакиадаси.

Учинчи программа. Душанба кўрсатади. 18.30 Экран болаларга. **Тожик тилида:** 19.00 «Империализмнинг фош этар ёшлик». 19.20 «Чашма». Халқ ижоди клуби **Рус тилида:** 19.50 Янгиликлар. 20.00 «Бу ҳаммага таллуқли». Граждан мудофааси ҳақида суҳбат. 20.20 Ленинобод театри артистларининг концерти (тожик тилида). 20.50 Оқшом эртаклари. 21.00 Премьера арафасида. Кинокўрсатув. 21.45 Янгиликлар (тожик тилида). 22.00 Москва.

20 ИЮЛЬ—СЕШАНБА

Биринчи программа. Москва кўрсатади. 13.00 Кўрсатувлар программаси. 13.05 Янгиликлар. 13.15 Ўқувчилар учун. «Кўҳна Херсон афсонаси». 13.35 Музикали киоска. 14.05 Рангли телевидение. Болалар учун. «Олтин соат». Бадиий фильм. 15.20 СССР халқларининг V Спартакиадаси. 16.10 Москва кундузги кўрсатувларининг охири. 17.25 Кўрсатувлар программаси. 17.30 Болалар учун. Г. Ландау. «Алёшанинг мактаби». Москва қўғирчоқ театрининг спектакли. 18.30 «Қишлоқ жамоли». Телеочерк. **Тошкент кўрсатади. Рус тилида:** 19.00 Рангли телевидение. Футбол бўйича СССР чемпионати. «ПАХТАКОР»—«КАРПАТИ» (Львов). Тажриба кўрсатуви. Танаффус вақтида «Ахборот» информацион программаси 20.45 «Беш йиллик—республика бўйлаб кезади». **Узбек тилида:** 21.15 «Ахборот» информацион программаси. 21.30 «Ноз-неъмат бунёдкори» программаси. **Москва кўрсатади.** 22.00 Спорт программаси. 23.45 «Вақт» информацион программаси. 00.15 Телетомошабинларнинг талабларига мувофиқ концерт. 00.40 Москва кўрсатувларининг охири.

Иккинчи программа. Тошкент кўрсатади. 17.55 Кўрсатувлар программаси. **Рус тилида:** 18.00 «Рига ҳайвонот боғида». Болалар учун телефильм. 18.10 «Сокин Волга оқар бетиним». Ҳужжатли фильм (ўзбек тилида). **Москва кўрсатади.** 19.00 «А дан Я гача». Музикали викторина. 19.45 Киноочерк. 20.05 «Ўғилбола гапи». Бадиий фильм. 21.35 «Поэзия». Шоира Б. Аҳмадуллина—студиямиз меҳмони. **Тошкент кўрсатади.** 22.00 «042 қаерда?». Бадиий фильм (ўзбек тилида).

Учинчи программа. Тошкент кўрсатади. Ўқув кўрсатувлари программаси. Узбек тилида: 19.00 Абитуриентлар учун. Физика. 20.00 «Ҳаётга йўлланма». **Рус тилида:** 20.30 «Здоровье». Илмий-оммабоп программаси. 21.00 «Биринчи севги қўшиғи». Бадиий фильм.

21 ИЮЛЬ—ЧОРШАНБА

Биринчи программа. Москва кўрсатади. 13.00 Кўрсатувлар программаси. 13.05 Янгиликлар. 13.15 Ўқувчилар учун «Бекарор шамол». 14.45 Рангли телевидение. «Кусковага таклиф». Телевизион ҳужжатли фильм. 15.00 «Яшил океан қирғоқларида». Телеочерк. 15.30 Янгиликлар. 15.35 Москва кундузги кўрсатувларининг охири. **Тошкент кўрсатади.** 17.55 Кўрсатувлар программаси. **Узбек тилида:** 18.00 «Денгиз, тоғлар ортида». Қўғирчоқ фильм. 18.20 Марғилон шойи комбинати клуби қошидаги «Дўстлик» болалар ансамблининг чиқиши. 19.00 «Ахборот» информацион программаси (рус тилида). 19.15 Шоир Рамз Бобожон—студиямиз меҳмони. 19.35 «Ахборот» информацион программаси. 19.50 «Санъат усталари». Бернора Қориева. Ижодий портрет. 20.55 Кўрсатувлар программаси. **Москва кўрсатади.** 21.00 Янгиликлар. 21.05 «Форсайт ҳақида қисса». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 8-серия. 21.55 СССР халқларининг V спартакиадаси. 22.40 А. П. Чехов. «Ҳикоялар». Телеспектакль. 23.30 Концерт. 24.00 «Вақт» информацион программаси. 00.30 Москва кўрсатувларининг охири.

Иккинчи программа. Москва кўрсатади. 17.30 Кўрсатувлар программаси. 17.35 Ўқувчилар учун «Нептун» клуби мукофоти учун. 18.00 «Чашма». 18.30 «Рассом». Тележурнал. 19.00 Эфирда «Молодость». 20.00 Янгиликлар. 20.10 «Марҳамат табассум қилинг». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. **Тошкент кўрсатади. Узбек тилида:** 21.00 «Ярим аср йилномаси». Кўп серияли телевизион ҳужжатли фильмнинг 1943 йил ҳақидаги серияси. 21.50 КПСС XXIV съезди қарорлари—ҳаётга! Юксалиш программаси. 22.10 Қардош республикалар композиторлари. Узеир Ҳожибеков. 22.40 «Кобра» операцияси». Бадиий фильм.

Учинчи программа. Тошкент кўрсатади. Ўқув кўрсатувлари программаси. Узбек тилида: 19.00 Абитуриентлар учун. Математика. 20.00 Абитуриентлар учун. Химия. **Рус тилида:** 21.00 «Боғимизда ёшлар дам олишади».

22 ИЮЛЬ—ПАЙШАНБА

Биринчи программа. Москва кўрсатади. 13.00 Кўрсатувлар программаси. 13.05 Янгиликлар. 13.15 Рангли телевидение. «Кўр музикачи». Бадиий фильм. 14.30 СССР халқларининг V спартакиадаси. Эркин кураш. 15.00 Телеочерк. 15.30 Янгиликлар. 15.35 Москва кундузги кўрсатувларининг охири. 17.40 Кўрсатувлар программаси. 17.45 Ўқувчилар учун. Симфоник эртак. 18.30 Чорвачилик истиқболлари. **Тошкент кўрсатади.** 19.00 Кўрсатувлар программаси. **Рус тилида:** 19.05 «Ахборот» информацион программаси. 19.20 Халқ контроли экрани. **Узбек тилида:** 19.50 Қардош халқлар адабиёти. Аванес Туманян. 20.40 «Ахборот» информацион программаси. 21.00 «Ўзбекистон чорвадори» программаси. 21.35 Ўзбек музикали анъаналари. **Москва кўрсатади.** 23.30 Рангли телевидение. «Рус романси». Концерт. 24.00 «Вақт» информацион программаси. 00.30 Москва кўрсатувларининг охири.

Иккинчи программа. Тошкент кўрсатади. 17.55 Кўрсатувлар программаси. **Рус тилида:** 18.00 Болалар учун кинофильм. 18.20 Музикали кўрсатув. **Москва кўрсатади.** 19.00 «Зангори машъал». Телевизион ҳужжатли фильм. 19.20 Концерт. 20.05 Янгиликлар. 20.15 Рангли телевидение. Мультфильмлар. 21.30 «Социализм дунёси». 21.00 «Форсайт ҳақида қисса». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 9—10 сериялари. 22.50 СССР халқларининг V спартакиадаси.

Учинчи программа. Тошкент кўрсатади. Узбек тилида: 19.00 «Атом алангаси». Ҳужжатли фильм. 20.00 Коллектив ташкилотчи. **Рус тилида:** 20.15 «Врач маслаҳати». 20.25 «Чайковскийга бағишланади». Ҳужжатли фильм. 21.25 «Қалб кечирмайди». Бадиий фильм (ўзбек тилида).

23 ИЮЛЬ—ЖУМА

Биринчи программа. Москва кўрсатади 13.00 Кўрсатувлар программаси. 13.05 Янгиликлар. 13.15 Рангли телевидение. «Ы» операцияси ва Шурикнинг бошқа саргузаштлари». Бадиий фильм. 14.50 Болалар учун. «Эртакка саёҳат». 15.20 СССР—халқаро кўргазмаларда. 16.20 Янгиликлар. 16.25 Москва кундузги кўрсатувларининг охири. 17.35 Кўрсатувлар программаси. 17.40 «Сенга, ёшлик!» 18.10 Эфирда «Молодость» 18.35 «Коммунист ва давр». **Тошкент кўрсатади.** 19.00 Кўрсатувлар программаси. **Рус тилида:** 19.05 «Ахборот» информацион программаси. 19.20 Ўсмирлар учун. «Жасорат сари». В. И. Ленин номли Олий умумқўшин команда билим юртидан репортаж. **Узбек тилида:** 20.00 «Ахборот» информацион программаси. 20.15 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув. 21.15 Лирика кечаси. 22.05 «Олтин водий». программаси. **Москва кўрсатади.** 23.15 «Вақт» информацион программаси. 23.45 Рангли телевидение. СССР халқ артисти Ю. Жданов. Концерт-очерк.

Иккинчи программа. Тошкент кўрсатади. 17.50 Кўрсатувлар программаси. **Рус тилида:** 17.55 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Спорт ва кино». 18.35 «Бизнинг оталиғимизда». Ҳужжатли фильм. **Москва кўрсатади.** 19.00 Музикали учрашувлар. 19.35 Киноочерк. 20.05 Янгиликлар. 20.15 Рангли телевидение. Телевизион музикали фильм. 21.25 «Поэзия». Ю. Марцинкявичус—студиямиз меҳмони. 21.40 «Форсайт ҳақида қисса». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 11-серия. 22.30 Рангли телевидение. СССР халқларининг V спартакиадаси.

Учинчи программа. Тошкент кўрсатади. Узбек тилида: 20.00 Жаҳоннинг машҳур созандалари. Давид Ойстрах. 21.00 Врач маслаҳати. **Рус тилида:** 21.20 «Игорь Ильинский билан учрашувлар». Бадиий фильм (актёр туғилган кунининг 70 йиллигига бағишланади).

24 ИЮЛЬ — ШАНБА

Биринчи программа. Тошкент кўрсатади. 9.55 Кўрсатувлар программаси. **Узбек тилида:** 10.00 Болалар учун. «Ёш киноҳаваскорлар». 10.30 «Азимут» Табиат, саёҳат, изланиш (рус тилда). 11.00 «Дўстлик чаманзори». Молдавия куйларидан концерт. **Москва кўрсатади:** 11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 Янгиликлар. 11.35 СССР халқларининг V спартакиадаси. 12.45 Рангли телевидение. Болалар учун. «Келинг. бирга ўйнаймиз». 13.45 Бадиий ҳаваскорлик коллективларининг концерти. 14.00 «Здоровье». Илмий-оммабоп программа. 14.30 СССР халқларининг V спартакиадаси. **Тошкент кўрсатади.** 16.55 Кўрсатувлар программаси. **Узбек тилида:** 17.00 Ўқувчилар учун. «Қувноқ пионер ёзи». 17.30 «Ахборот» информацион программаси (рус тилида). 17.45 «Республика тинчлик истайди». Ҳужжатли фильм. 18.00 «Эстрада шинавандалари, сизлар учун». 18.45 «Замондошимиз». Телеочерк. 19.00 Рангли телевидение. Футбол бўйича СССР чемпионати. «ПАХТАКОР» — «ДИНАМО» (Киев). Тажриба кўрсатуви. Танаффус вақтида «Ахборот» информацион программаси. **Москва кўрсатади.** 20.45 Футбол бўйича СССР кубоги. Ярим финал. «СПАРТАК» (Москва). — «НЕФТЧИ» (Боку). Иккинчи тайм. 21.45 Ҳужжатли фильм. 23.30 «Вақт» информацион программаси. 24.00 Концерт. 00.50 СССР халқларининг V спартакиадаси.

Иккинчи программа. Москва кўрсатади. 15.10 Рангли телевидение. Ҳайвонот оламида. 16.30 «Изланиш» тележурнали. 18.25 Мультфильм. 18.50 Эфирда «Молодость» 20.00 Футбол бўйича СССР кубоги. Ярим финал. «СПАРТАК» (Москва) — «НЕФТЧИ» (Боку). Биринчи тайм. **Тошкент кўрсатади. Узбек тилида:** 21.00 Лирик концерт. Назиржон Назаров куйлайди. 21.40 Ўзбекистон курортлари. 22.00 «Соҳилга рухсат». Бадиий фильм.

Учинчи программа. Душанба кўрсатади. Рус тилида: 18.15 Болалар учун. «Расм солишни ўрган». 18.30 Янгиликлар. **Тожик тилида.** 18.40 Эртага — савдо ходимлари куни. 18.55 Тожикистон телевиденеси ва радиоси солистларининг концерти. 19.45 Тожикистон телевидение студиясининг янги фильмлари. 20.00 Москва. 22.40 Душанба. Янгиликлар. 22.55 Севимли артистларимиз. Абдулла Абдуразоқов.

25 ИЮЛЬ — ЯКШАНБА

СССР ҲАРБИЙ-ДЕНГИЗ ФЛОТИ КУНИ

САВДО ХОДИМЛАРИ КУНИ

Биринчи программа. Тошкент кўрсатади. 9.25 Кўрсатувлар программаси. **Узбек тилида:** 9.30 Ўқувчилар учун. «Қизил галстук», тележурнал. 10.10 «Эски Тошбақа капитани». Бадиий фильм. 11.20 Кўрсатувлар программаси. **Москва кўрсатади.** 11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 Янгиликлар. 11.35 Ўқувчилар учун. «Барҳаёт Маклай». Машҳур рус сайёҳи Миклухо-Маклай туғилган кунининг 125 йиллигига бағишланади. 12.00 Уфа телевидение студиясининг программаси. 13.00 Интервидение. «Горизонт». 14.00 СССР Ҳарбий-Денгиз Флоти Бош қўмондони ўринбосари адмирал Г. М. Егоровнинг чиқиши. **Тошкент кўрсатади.** 16.55 Кўрсатувлар программаси. **Рус тилида:** 17.00 «Звездочка» Кинокўрсатув. 17.25 «Ахборот» информацион программаси. 17.45 «Бугун янги аттракцион». Бадиий фильм. **Узбек тилида:** 19.25 Халқ жасорати йилномаси. «Қарши кундалиги». 19.50 «Ахборот» информацион программаси. 20.10 Савдо ходимлари кунига бағишланган кўрсатув. 21.10 «Лейтенантлар флотга йўл олганда». Ҳужжатли фильм. 21.35 Дала ишлари кундалиги. 21.55 Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Эргаш Йўлдошев концерти. 22.55 Кўрсатувлар программаси. **Москва кўрсатади.** 23.00 «Вақт» информацион программаси. 23.30 Концерт. 00.30 Москва кўрсатувларининг охири.

Иккинчи программа. Тошкент кўрсатади. Ўқув кўрсатувлари программаси. Узбек тилида: 10.00 Абитуриентлар учун. Физика. 11.00 Абитуриентлар учун. Математика. **Москва кўрсатади.** 14.15 Музиқали киоска. 14.45 Рангли телевидение. Болалар учун мультфильм. 15.15 СССР Савдо саноати министри А. И. Струевнинг чиқиши. 15.25 «Бурч ва истеъдод». Савдо ходимлари кунига бағишланган кўрсатув. 15.40 Савдо ходимларининг талабларига мувофиқ концерт. 16.15 «Европа, воқеалар, мамлакатлар, проблемалар». 17.00 «Юк билан саёҳат». Бадиий фильм. 18.20 Қишлоқ меҳнаткашларига. 18.30 Музикали учрашувлар. 19.15 Рангли телевидение. Киносаёҳатчилар клуби. 20.15 Денгиз чегаралари посбонлари. СССР ҳарбий денгиз флоти кунига бағишланган кўрсатув. 21.00 Янгиликлар. 21.05 Кинопанорама. Москвада VII Халқаро кинофестивал. 22.05 Рангли телевидение. СССР халқларининг V спартакиадаси.

Учинчи программа. 18.30 ФРУНЗЕ ТЕЛЕВИДЕНИЕ СТУДИЯСИНИНГ КЎРСАТУВЛАРИ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ХАРИДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!
ТОШКЕНТ МАРКАЗИЙ УНИВЕРМАГИДА
20 ИЮЛГАЧА
МОСКВА ТЕЛЕВИЗИОН ЗАВОДИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН «РУБИН-401» РАНГЛИ ТЕЛЕВИЗОРЛАРНИНГ
САВДО КЎРГАЗМАСИ
ЎТКАЗИЛАДИ
Савдо-кўргазмасида биринчи марта Москва телевизион заводи ходимлари хизмат кўрсатадилар.
Улар консультация берадилар ва сотиб олган телевизорларингизни уйингизга бориб ўрнатишда ёрдам берадилар.
«РУБИН-401» РАНГЛИ ТЕЛЕВИЗОРЛАРНИНГ САВДО-КЎРГАЗМАСИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

Кино

16 ИЮЛДА
ҚИШКИ БИНОДА

Интеграл (кеч 8.45 ва 10 яримда), **Кунгабоқар** (кеч 7 да): — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ».

Қашқир наъраси — «ЎЗБЕКИСТОН» (жуфт соатларда).

Асосий зарба — «ЧАЙКА» (кеч соат 9 да).

Ёввойи қалб —«ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» НАВОИЙ номли, «ВОСТОК», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ДРУЖБА», «МОСКВА», «СПУТНИК» (кечқурун).

Шер ҳамлага ҳозирланмоқда.— «КЎКЧА» (тоқ соатларда), ҲАМЗА номли (кечқурун).

Асримиздан миллион йил илгари — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (тоқ соатларда), «ЧАЙКА» (кеч 7 да).

Митти сузувчи — САНЪАТ САРОЙИ (кечқурун).

17 ИЮЛДА
ҚИШКИ БИНОДА

Интеграл (кундуз соат 11, 3 кеч 8.45 ва 10 яримда), **Кунгабоқар** (кундуз соат 1, 5 ва кеч 7 да):— «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ».

Доктор Гомернинг укаси — «ЎЗБЕКИСТОН» (жуфт соатларда).

Асосий зарба — «ЧАЙКА» (кеч соат 9 да).

Ёввойи қалб — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», НАВОИЙ номли, «ВОСТОК», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ДРУЖБА», «МОСКВА» «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун).

Шер ҳамлага ҳозирланмоқда — «КЎКЧА» (тоқ соатларда), ҲАМЗА номли (кундуз ва кечқурун).

Асримиздан миллион йил илгари — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (тоқ соатларда). «ЧАЙКА» (кундуз соат 11.45, 1.30, 3.15 минут 5 ва кеч 7 да).

Митти сузувчи — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

ЁЗГИ БИНОДА

Ёввойи қалб — «РАКЕТА», «ФЕСТИВАЛЬ».

Лочин изидан, Оқ бўрилар — ТЕЛЬМАН номли.

Менинг ҳаётимсан (2 серия)— НАВОИЙ номли.

Лазор саҳросида — «ХИВА».

ЎРТА ОСИЁ ТЕМИР ЙЎЛИНИНГ ТОШКЕНТ ПАССАЖИР СТАНЦИЯСИ

гражданларга Тошкент шаҳридаги олдиндан билет сотиш кассаларида пассажирларнинг кўпайиб кетганлиги учун

16 ИЮЛДАН БОШЛАБ

телефон орқали темир йўл транспорти билети учун

ЗАЯВКАЛАР

ҚАБУЛ ҚИЛИНМАСЛИГИНИ

БИЛДИРАДИ

«Вечерний Ташкент»
орган Ташкентского
горкома КП УЗБЕКИСТАНА
и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар, Дзержинский кўчаси, 15-уй. Редакция телефонлари: Коммутатор —33-02-49 дан 33-02-58 гача. редактор ўринбосарлари—33-29-33, 33-29-09. масъул секретарлар—33-27-22, партия совет ва касаба союз ташкилотлари, шаҳар хўжалиги бўлимлари — 33-29-42, адабиёт, санъат ва маданият бўлимлари—33-29-55, хатлар ва оммавий ишлар —33-27-70, фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари — 33-27-57, саноат, транспорт ва қурилиш бўлимлари —33-27-03, ахборот бўлими—33-28-95, эълонлар бўлими — 33-81-42.

Ўзбекистон Компартияси
Марказий Комитети
нашриётининг босмахонаси.
Тошкент шаҳри.

ИНДЕКС 64579.
НАШР А—2604.
Р—00573.